БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 18 июль Чоршанба
№ 133 (13.569). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ЖУМҲУРИЯТ ДАЛАЛАРИДА


● СИРДАРЁ вилоятининг қўриқ ерларида кузги ғалла ўриб-йиғиб бўлинмоқда. Ворошилов ноҳиясининг ғаллакорлари буғдой ва арпадан яхши ҳосил етиштирдилар. Гектар бошига 40 центнердан дон олинди. Бунга экинлар яхши парвариш қилинганлиги, ўз вақтида суғорилганлиги ва сифатли озиқлантирилганлиги натижасида эришилди.

Айни вақтда ноҳия ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида маккажўхори ўрадиган комбайнларни далага олиб чиқишга ҳозирлик кўришмоқда. Шу билан бирга ремонтчилар пахта териш техникасини ҳам созлаб қўйишга улгурмоқдалар — ҳозирнинг ўзида 384 та машинадан 215 таси теримга шай қилиб қўйилди.

● МОСКВА ноҳиясидаги Октябрь 60 йиллиги номли жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган консерва заводи мева ва сабзавот маҳсулотлари нобудгарчилигини кескин камайтириш имкониятини беради. У йилига 3 миллион дона шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шарбатлар, мурабболар, тузланган помидор, бодринг, кулча қовоқлар, консерваларнинг бошқа ўнлаб турлари ана шу заводда тайёрланади. Бу ерга сабзавот маҳсулотлари ва мевалар жамоа хўжалигидаги ҳамда томорқалардаги полизлар ва боғлардан келтирилмоқда.

Хўжалик тайёр маҳсулотнинг бир қисмини Коми АССР ўрмон саноати хўжаликлари ходимларига жўнатмоқда. Бунинг эвазига ёғоч-тахта ва қурилиш материаллари олади. Заводда тайёрланган консервалар вақтинча сақлаш учун ғамлаб қўйилади — улар Шаҳрихон шаҳрида қурилиши мўлжалланаётган хўжалик фирма дўконида сотилади.

(ЎзТАГ).



Урганчда янги пойабзал фабрикаси ишга туширилди. Бу корхона пойабзал ишлаб чиқариш бўйича вилоятда яккаю-ягона. У ерда йилига 4 миллион жуфтдан ортиқ юқори ассортиментли пойабзал ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Чунки янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фабрика қуввати жуда юқори.

2 минг жуфт болалар пойабзали савдо расталаридан ўрин олишга ҳам улгурди.

СУРАТДА: тикув цехи прессловчиси Ҳантхон Ражабова.

Суратчи Қ. ОТАЕВ.

ЖУМҲУРИЯТ ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти, КПСС XXVIII съездининг делегати И. А. Каримов 17 июль куни Тошкентда жумҳурият фаолларининг вакиллари билан учрашди.

У яқинда тугаган партия анжуманининг иши тўғрисида батафсил гапириб берди, съезд қарорларидан келиб чиқадиган бир қанча кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга тўхталди, ҳозир бўлганларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учршув тўғрисидаги ҳисобот эълон қилинади.

Умид қилиш учун ҳозирча асос йўқ

Бу гал муштарийларни мамлакатда жиноят, охир-оқибат камайиб бораётганлиги хусусидаги хабар билан қувонтира олмасак керак. Афсуски, жиноятчилик кўпаймоқда, лекин унинг ўсиши суръатлари пасаймоқда. Аммо бу нарса умид қилишимиз учун умуман асос бўла олмайди, деб таъкидлади СССР ички ишлар вазири В. Бакатин СССР Ички ишлар вазирлигида журналистлар билан бўлган учрашувда. Бу жараённи ҳозирча тўхтатиб қолишга муваффақ бўла олмаяпмиз, деди у.

Ўтган ярим йилликдаги вазият рақамларда шундай акс этади: ички ишлар ва прокуратура органлари 1.263.000 дан кўпроқ жиноят қилинганлигини рўйхатга олишди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 160,8 мингта кўп демакдир. Жиноятчиликнинг ўсиш суръатлари мамлакатимизда ўрта ҳисобда 14,6 фоизни (ўтган йили 32,1 фоиз бўлган эди) ташкил этди. Қасддан ўлдиришлар, оғир тан жароҳатлари етказиш, номусга зўрлаб тажовуз қилиш кўпайди. Жиноятчилар 3.441 ҳолда ўт очувчи қуроллардан фойдаланишди, энг оғир жиноятлар умумий сонининг ўндан бир қисми иқтисодиёт соҳасида содир қилинди. Қурол ва ўқ дори ўғирлаш 400 тадан 719 тагача кўпайди.

Бу маълумотлар аҳволнинг қандай эканлигини етарли даражада кўрсатиб турибди. В. Бакатин ўзини-ўзи танқид руҳида нутқ сўзлагнига қарамай, холисона айтиш керакки, милиция ўзи ҳал қилишига тўғри келаётган муаммолар юкидан нафаси сиқилиб қолмоқда. Ҳар бир айғоқчи бажарадиган иш ўрта ҳисобда 15,8 та ишдан 18,3 тагача кўпайди. Ҳозирги вақтда шахсий составда хизмат қилувчилар сони 60 минг нафар кам. Тўғри, «умид қилса арзигудек» ишлар ҳам бор: шу ярим йилликда аввалгига қараганда 683.500 та кўп жиноят фош қилинди. Очилмаган жиноятлар сони жиноятнинг ўзига нисбатан тез кўпаймоқда. Вазирнинг сўзларига қараганда бу кучлар етишмаётганлигини ошкора кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Милициянинг техникавий жиҳатдан жиҳозланиши ҳали ҳам ҳеч қандай танқид доирасига сиғмайди. Бу соҳада 150 миллион сўм етишмаяпти. Демак, автомашиналар, радиостанциялар, бошқа жиҳозлар етишмайди. Яқинянгача меҳнат жамоалари милиция органларига ёрдам беришар ва бу ёрдам каттагина пулни ташкил этарди. Энди эса бундай қарз анча қисқариб кетди.

Буларнинг ҳаммаси, айтиш мумкинки, моддий жиҳатга тегишли муаммолардир. Ички ишлар органларини ҳам четлаб ўтмаган турли сиёсий эҳтирослар ҳам милициянинг нормал ишлашига халақит беряпти.

— Баъзи ходимлар иш билан шуғулланиш ўрнига жиноятга қарши курашга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган муаммолар билан банд бўлиб қолишмоқда, — деди В. Бакатин. — Ваҳоланки, бизнинг ишимизда ҳар гал бўладиган сусткашлик жиноятчилар билан курашда навбатдаги маррани қўлдан бой беришдир.

СССР Ички ишлар вазирлигининг кўп вақти ва кучини миллатлараро можаролар олиб қўймоқда. Ваҳоланки, ушбу масалани ҳал этиш вазирликнинг ҳуқуқ доирасига кирмайди.

— Жилла бўлмаса Арманистон билан Озарбайжондаги вазиятни олиб кўринг, — деб сўзида давом этди вазир. — У ерда фақат музокаралар олиб бориш зарур. Лекин ҳалигача музокаралар бошлангани йўқ. Арманистон ҳукумати қуролланган тўдаларни қуролсизлантириш тўғрисида қарор қабул қилмас экан, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Умуман ҳозирча қувонадиган нарса йўқ. Жиноятчиликнинг аҳволи жамиятнинг аҳволини, унинг соғлиғи ва носоғлигини аниқ кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз ҳозир оғир даврни бошидан кечирмоқда. Лекин аввал бўлганидек, фақат милициянинг ўзи совет кишиларининг яшашига халақит бераётганларга қарши курашадиган бўлса, бундай аҳвол анча чўзилиб кетиши мумкин.

Н. ДЕМИДОВ,
СИТА мухбири.

Ёшлар ва қонун

Божхонадан — музейга

Жумҳурият божхонаси контрабанда ишлари юзасидан олиб борилган текширишлар натижасида мусодара қилинган санъат асарлари, антиқа ашёлар ва халқ ҳунармандчилиги буюмларини Тошкент музейларига берди. Хилма-хил жанрларда яратилган турли даврлардаги ва услублардаги 918 та экспонат музей ашёларига қўшилди. Мутахассисларнинг шунчаки ҳисоб-китобларига қараганда, мусодара қилинган нарсаларнинг умумий қиймати 120 минг сўмдан ортиб кетади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топширилган ашёлар рўйхати бир неча саҳифани эгаллади. Кузнецов, Гарднеров ва Дулевларнинг машҳур чиннилари, ўзбек халқ усталарининг буюмлари — XIX аср сўзаналари ва йўрмалари, Пётр ва Екатерина даврларида чиқарилган кумуш тангалар, ўтган асрда Туланинг машҳур заводларида ясалган қурол, диний ашёлар — буларнинг ҳаммасини мамлакатимиз ташқарисига олиб чиқиб кетишни мўлжаллаган эдилар.

— Ҳозир музейимиз ходимлари кутилмаганда совға қилинган тўрт юз йигирма тўртта буюмнинг ҳар бирини илмий таҳлил этиб, рўйхатга олиш билан шуғулланишмоқда, — дейди музейнинг бош хазиначиси К. Турсуналиев. — Биз уларни уч тоифага — этнография, нумизматика ва манзарали-амалий санъат ашёларига бўлдик. Тангалар, нишонлар, медалларнинг илмий баҳоси ва бадиий қийматини аниқлаш учун нумизматлар ва фалеристлар жамиятларидан мутахассислар таклиф этилади. Ҳамма нарса экспозициядан ўрин олади, музей таъмирлаб бўлингандан сўнг уларни томошабинлар ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

Бу нарсаларнинг энг кўп қисми Ўзбекистон Давлат санъат музейига берилди. Япон ва Хитой чиннисини, XIX асрда яшаган машҳур рус заргарларининг бронза ва кумушдан ясалган буюмлари, аёлларнинг кумушдан ясалган кўкракка ва сочга қадаладиган безаклари, қўлда тўқилган гилам ва сўзаналар, жами 250 та ашё Ўрта Осиёдаги энг катта музей жамғармаси коллекцияларини бойитди. Санъат музейининг экспозициялари божхонадан келаётган буюмлар ҳисобига муттасил тўлдирилмоқда. Бу гал ҳам, ходимларнинг сўзларига қараганда, олинган нарсалар ичида анчагина ноёб ашёлар бор.

Бироқ, антиқа буюмлар ва заргарлик санъати буюмларига берилган ашёлар бирмунча тушунмовчилик келтириб чиқарди. Амалда уларнинг ҳаммаси уй-рўзғор ашёлари: қошиқлар, вилкалар ва кумушдан ясалган шу сингари асбоблардир. Уларнинг кўпи совет даврида тайёрланган. Бу нарсалар бадиий қимматга эгами? — деган саволга чет элларга маданий қадриятларни олиб кетишни назорат қилиш ва уларни бадиий қимматини текшириш бўлими мутахассислар гуруҳининг бошлиғи К. Ф. Ткаченко жавоб берди:

— Ҳақиқатан ҳам бу нарсаларнинг кўпчилиги музей учун унча қимматли эмас. Бироқ, уларнинг ҳаммаси, контрабанда йўли билан олиб кетишга уринилганлиги сабабли мусодара қилинган ва шу сабабдан сақлаб қўйиш учун топширилган. Хорижга кетаётган одамларда нимани олиб кетиш мумкин, нимани олиб кетиш мумкин эмаслиги хусусида кўпинча нотўғри тасаввур бўлади. Кумуш ҳам шу жумлага киради: машҳур усталар белгиси туширилган нарсаларни ёки бир нусхада тайёрланган ашёларнигина олиб кетиш мумкин эмас. Қолганларига эса солиқ солинади ва қонунда белгилаб қўйилган миқдорда олиб кетишга рухсат этилади.

Умуман жумҳуриятимизда ўзимизнинг антиқа буюмлар дўконимиз бўлганида, жумҳурият божхонасида контрабанда тўғрисидаги ишлар анча кам бўлур эди. Одамлар кўпинча қимматбаҳо нарсаларни қандай сотиш, ҳатто уларнинг нархини қандай белгилашни ҳам билмайдилар. Бизнинг гуруҳимиз жумҳурият Маданият вазирлигига мурожаат этиб, унинг олдига антиқа буюмлар дўконини очиш тўғрисидаги масалани қўйган эди. Лекин биз ундан ҳалигача жавоб олганимиз йўқ.

К. Ткаченко бошчилик қилаётган гуруҳ хорижга олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган нарсаларга мутахассислар баҳосини бериш билан шуғулланади. Бироқ, божхона контрабанда сифатида мусодара қилинадиган молларни ҳам тез-тез баҳолашга тўғри келади. Бутун Ўзбекистон бўйлаб — божхоналар Тошкентдан ташқари Жиззах ва Самарқандда, Бухоро ва Термизда ҳам бор — юришга тўғри келади. Агар мутахассислар гуруҳи бутун Ўрта Осиё минтақаси учун ягона эканлигини, бунинг устига Озарбайжонга ҳам хизмат қилишини айтадиган бўлсак, унинг иш кўламини тасаввур қилиш жуда қийин бўлиб қолади.

К. Ткаченко ўттиз йилдан бери мутахассис сифатида ишлайди. Санъатнинг турли соҳаларини ниҳоятда чуқур билиши ашёларнинг бадиий ва тарихий қимматини бехато аниқлашга ёрдам беради. Унинг билими ва тажрибаси туфайли халқ мулки бўлган нарсаларнинг катта қисми мамлакатимиз музейларидан ўрин эгаллаган.

П. БУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Шу сонга хабар

Ўзбекистон ЛКЁИ тафтиш комиссиясида

Тошкентда Ўзбекистон ЛКЁИ Тафтиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жумҳурият комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисида Низом лойиҳасини ҳамда жумҳурият комсомолининг XXIV съездига комиссия ҳисобот маърузасининг лойиҳасини тайёрлаш юзасидан тузилган ишчи гуруҳларнинг ҳисоботлари тингланди.

Тафтиш комиссия жумҳурият комсомол ташкилотларининг назорат комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳасининг илк вариантини «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномаларида босиб чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзга сайёраликлар, бизга ёзиб туринг!

ЛЕНИНГРАД. (ТАСС мухбири В. Ганшин). Яқин келажакда ердан ташқаридаги маданиятларнинг журналистлари ҳам Нева бўйидаги шаҳарда биринчи сони чиққан «Аномалия» рўзномасининг ўз мухбирлари бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Чунки биринчи саҳифада ўзга сайёраликларга аталган махсус устун ажратилган бўлиб, унда улар фаол ҳамкорликка таклиф қилинган. Редакция улардан ҳар қандай ахборотни қабул қилишга тайёр, лекин битта шарти бор: ахборот «ер халқлари тилларидан бирида ёзилган» бўлиши керак.

«Ленинформ» марказининг СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмасининг табиатда энергия ёрдамида ахборот айирбошлаш қўмитаси иштирокида чиқарилган «Аномалия» рўзномасининг муштарийларини мутахассислар шарҳлаб ва баҳолаб берган турли шов-шувли воқеалар туркуми кутмоқда. Дастлабки сондаги «СССР устида НУОлар», «Афсонага чиқариб қўйилган ҳамма нарсалар», «Бомбардимончи... Ойда», «Яна «М» зонаси», «Хотин-қизлар учун «тўрлар» каби сарлавҳалар билан танишишнинг ўзи ҳам кишини қизиқтириб қўяди, эътиборни жалб этади... «Кўзларингга ишон» ойнасўзида ер «меҳмон»лари билан учрашувлар тўғрисидаги ўткир сюжетли ҳикоялар, Америка астронавтларининг ойдаги ўз саргузаштлари тафсилотларини эслаб, сўзлаб берган хотиралари, Ҳиндистон ва Англиядан олинган қизиқарли хабарлар... Ленинградда, Сахалинда ва Тожикистонда олинган нодир фотосуратлар тўпланган.

«Аномалия» ноширлари унинг саҳифаларида ҳозир ғайритабиий бўлиб кўринаётган, эртага эса, эҳтимол, одатга айланиб қоладиган нарсалар тўғрисида хотиржам ва очиқ суҳбатлашишга таклиф қилишмоқда. Ахир Ер юзи аҳли ўзи ҳақида ва теварак олам тўғрисида жуда кам нарса билади.

Тўлқинда — «Камалак»

Жумҳурият радиосининг «Ёшлик» радиостанцияси кейинги пайтларда ўз тингловчиларига мазмунли, ранг-баранг эшиттиришлар туҳфа этмоқда. Айниқса, «Камалак» мусиқали-ахборот эшиттиришининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

«Камалак» ижодкорлари радиотингловчиларга яна бир совға ҳозирламоқда. Бевосита мулоқот тарзидаги бу эшиттириш шу йилнинг 22 июль куни Тошкент вақти билан соат 12.00 дан 15.00 гача II программа тўлқинларида бўлади. Шу куни, сиз азиз муштарий-тингловчилар, 33-84-57, 39-95-12, 39-07-93, 33-92-12, 39-95-19, 39-95-14 рақамли телефонларга сим қоқсангиз, ажойиб суҳбатнинг гувоҳи бўласиз. Косметолог шифокор Шоҳида Жалилова шахсий гигиена, ҳусн-латофат ҳақида қимматли маслаҳатлар беради. «Қандай қилиб моҳир пазанда бўлиш мумкин!» Уста пазанда Шоиста Муслимованинг чиқиши шу ҳақда бўлади. «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар», дейди ёш хонанда Азамат Отажонов. Шу куни радио тўлқинларида Азаматнинг қўшиқлари илк бор янграйди.

Шунингдек «Хазина» мавзуидаги саҳифада Ҳадислардан намуналар тинглайсиз.

«Камалак» бевосита мулоқот эшиттиришининг «Келинчак» саҳифаси урф-одатлар тарғиботига бағишланган. Унда сиз Хоразм тўйлари ҳақидаги қизиқ-қизиқ мунозараларда қатнашишингиз мумкин.

Табобат дунёси олам-олам мўъжизаларга бой. «Қизиқ ҳангомалар» саҳифасида эса тошкентлик экстрасенс Абдурафиқ Ғофуровнинг масофада сеанс бериши кутилмоқда.

«Камалак»нинг ушбу сони олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари айни қизиган паллада ўтади. Шу муносабат билан сиз ўзингизни қизиқтирган саволларга тегишли жавобларни олишингиз мумкин.

«Бугунги комсомол қандай бўлиши керак!» Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси мафкура бўлимининг мудири Ирисмуҳаммад Абдукаримовнинг суҳбати мавзуси шу ҳақда бўлади.

Шундай қилиб, 22 июль куни жумҳурият радиосининг «Камалак» мусиқали-ахборот эшиттириши ижодий жамоаси сиз билан бевосита мулоқот учун радио тўлқинларига чиқади.

Марҳамат, сим қоқиш эсингиздан чиқмасин.

ДАРВОҚЕ. Шу куни телефонда сизларни кутадиган «Камалак»чи радиожурналистлар билан таништирамиз. Улар: Шоабдулла Муҳаммаджонов, Султонпошша Ёқубова, Абдужалил Зокиров, Асрор Аброрхўжаев, Баҳром Аҳмедов.

Сувонқул РУСТАМ.

Янги нашр

Маълумки, ҳозир иқтисодий мустақиллик, сиёсий суверенитет, янги принципларга асосланган федерациялар иттифоқи тузиш масалалари мамлакатимизнинг барча ерларида сиёсатчилару ҳуқуқшунослар, иқтисодчилару маданият арбобларининг диққат марказида бўлиб қолди. Жумҳуриятимиз ҳам бу борада қайта қуришнинг олдинги сафларига чиқишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Олий Шўросининг сўнгги сессиясида қабул қилинган Мустақиллик Баённомаси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг учрашувида иттифоқдаги муносабатларга тамомила янгича тус бериш назарда тутилган.

Бироқ тан олиб айтиш керакки, иқтисодиёт муаммоси бугун барча энг муҳим масалалар ичида ҳам бирламчи бўлиб турибди. Иқтисодиёт хаста, уни оёққа қўйиш, даволашнинг йўл-йўриғи эса, афсуски, ҳозирча тугал эмас. Халқимизда «Маслаҳатли тўй тарқамас», деган мақол бор. Бошқача қилиб айтсак, ҳар қандай амалий иш аввал аниқ ғояга асосланса, баҳамжиҳат ўйлаб кўрилсагина натижа келтиради. Шу маънода Ўзбекистон ССР Давлат План қўмитасининг ойлик ижтимоий-иқтисодий, оммавий-сиёсий мажалласи — «Ҳаёт ва иқтисод»нинг биринчи сони босмадан чиқишини нафақат давр тақозоси, балки амалга ошириладиган катта ишларнинг дебочаси деса ҳам бўлади.

Мажалланинг биринчи сонида «Тарих ва иқтисод», «Иқтисод ва жамият», «Иқтисод ва табиат», «Иқтисод ва маънавият» каби рукнлар (рубрикалар) остида Ўзбекистон жумҳурияти Вазирлар Кенгаши Раиси Ш. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР халқ шоири Э. Воҳидов, шоир М. Кенжабек, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси ишлар бошқармаси Молия шўъбасининг мудири М. Умурзоқов ва Ўзбекистон ССР Олий Шўроси миллатлараро муносабатлар тил ва байналмилал тарбия Қўмитасининг котиби К. Баҳриев, Ўзбек Совет Қомусининг Бош муҳаррири Н. Тўхлиевнинг иқтисодиёт, миллий қадриятлар муаммоларига бағишланган мақолалари, Абу Наср Ал-Форобийнинг «Талхису навомиси Афлотун» — «Афлотун қонунларининг моҳияти» асаридан парча ва бошқа кўплаб қизиқарли материаллар ўрин олган.

Мажалла таҳрир ҳайъатининг муштарийларга қаратилган сўзбошисида: «гарчи бизнинг журналимиз очнинг қорнини тўйғазиб, яланғочнинг эгнига кийим бўлолмасада, лекин у тегишли идораларнинг режали, илмий асосланган хулосалар асосида тўғри ишлашига туртки бўлади, деб умид қиламиз» дейилади. Биз ана шу машаққатли ва олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришда мажалла ходимларига собитқадамлик ва куч-ғайрат тилаймиз.

Шу сонга хабар



Хайрият, яхши кунлар келяпти. Ҳарна бўлсада, ўз меҳнати қадр топмаганини, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида «худога минг қатла шукр, яхши яшаяпмиз, камчилик йўқ» деб келган деҳқонлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини энди-энди англаб етаётганини кўриб, гоҳ севинасан, гоҳ куйинасан. Умрбўйи пахта экиб ҳам косаси оқармай келаётган ўзбекнинг аста-аста «кўзи очиляпти». Жумҳуриятимизнинг кўпгина хўжаликларида боғдорчилик, сабзавотчиликка эътибор берилаяпти. Бир мисол: Фарғона вилоятининг Киров ноҳиясидаги «Партия XXVI съезди» номли давлат хўжалиги асосан узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Баҳоли-қудрат қишлоқ хўжалигининг бу турларидан фойда келаётгани ҳам одамларнинг руҳини кўтараяпти. Айниқса хўжаликнинг Ҳусанбой Насриддинов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари меҳнати таҳсинга лойиқ.

СУРАТДА: шу бригада аъзоси Турсуной Тўхташева тушлик пайтида.

У. ҚЎШВОҚОВ суратга олган.

«Ойнаи жаҳон» ва томошабин

«ИНТИЛИШ»ДАН ТУҒИЛГАН ЎЙЛАР

Ҳозир мамлакатимизда рўй бераётган турли сиёсий воқеалар, миллатлар ўртасида туғилаётган низолар, бунинг устига, афсуски, ҳатто оилавий можаролар... Хуллас, кайфият хоxуш, асаблар таранг!

Уйга ишдан ҳориб келасан-у янги рўзнома-жаридаларни ҳам кўнгилга олмай, диванга чўзиласан киши. Матбуотда чоп этилаётган материалларнинг ҳам аксарияти айтиб ўтганимиздек, асабни қўзғатадиган машмашалар... Беихтиёр, «Ойнаи жаҳон» қулоғини бурайсиз... Хайрият — бирон мультфильм ёки кўнгилочар кўрсатув. ...Асаблар бир зум бўшашиб, киши ўзини енгилроқ ҳис қилади.

Бугун ҳам ишдан ҳориб келдим-у ойнаи жаҳон экранига кўз тикдим... Экранда Нуриддин Очилов... Ҳайрият, таскин бердим ўзимга, — бу йигит кўпинча топиб гапиради... Шу хаёлга келдиму бор вужудим билан кўрсатувга сингиб кетдим. Программадаги «Интилиш» номли публицистик-мусиқавий телекўрсатувни шу йигит олиб бораётган эди. Кўрсатув хушовоз хонанда, Ўзбекистон ССРда ҳамда ҚҚАССРда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмоновнинг дилрабо қўшиғи билан бошланди...

Қўшиқдан сўнг ёқимли карнай-сурнай садолари билан бошланган «Наврўз» тантаналари ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этила бошланди. Бу фильмдаги спорт ўйинлари, сумалак сайллари кишига олам-олам қувонч бахш этди. Бор вужудим билан она халқимнинг азалий байрами — Наврўз тантаналарига берилиб кетиб беихтиёр кўз олдимда беғубор болалик йилларим гавдаланди...

Экранда болаларнинг севимли ёзувчиси, «Ёш куч» жаридасининг бош муҳаррири Худойберди Тўхтабоев пайдо бўлди. У киши йўқолиб, унут бўлиб кетаётган қадриятларимизнинг қайта тикланаётганлиги, хусусан, кишилар қалбини қувончларга тўлдириб яна ўлкамизда ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўла бошлаган янги Наврўз ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Руфат Ғуломович Маҳкамовнинг Н. Очилов билан бўлиб ўтган мусоҳабаси айниқса жонли ўтди. У киши ёшлар орасида илм-фанга қизиқиш тобора сўниб бораётганлиги ҳақида ташвиш билан гапирди ва бундай салбий ҳолнинг асосий сабаблари, илдизи ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Айниқса, олимнинг жумҳуриятимиз пойтахтида «Улуғбек» номли фонд ташкил этилганлиги, унга бошчилик қилаётган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Воҳидовнинг бу ишга қўшаётган улкан ташаббускорлик ҳиссаси ҳақидаги фикрлари қизиқарли бўлди. Демак, ёшларимиз мана шу фонд ёрдамида чет мамлакатларда ўқиб, билим даражасини ошириб келиш имкониятига эга бўладилар. Бу деган сўз мамлакатимизда, жумладан, Ўзбекистонимизда ёшларда илм-фан чўққиларини эгаллашга бўлган қизиқиш янада кучаяди.

Кўрсатувнинг СПИД — асримиз фожиаси ҳақидаги саҳифаси киши ғазабини қўзғатди. Бу не ҳолки — бу дунё даҳшати ҳур Ўзбекистонимизга ҳам раҳна солса! Мухбирнинг орттирилган иммунитет танқислиги синдромига қарши кураш ва унинг олдини олиш маркази директори Олим Ёқубов билан суҳбати бу касаллик ҳақида, жумҳуриятимизда шу кунгача 4 киши унга йўлиққанлиги ва ҳозирги кунда қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлиги тўғрисида бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтишни лозим топдимки, ана шу кўрсатув орқали қайд этилган тўрт кишининг учтаси ўзу ерлик, биттаси Волгоград шаҳридан бизга келиб меҳмон бўлиб келган ҳамшира аёл эканлиги маълум бўлди.

Ушбу саҳифадан сўнг «Огоҳ бўлинг, одамлар! XX аср офатидан огоҳ бўлинг!» дея ҳайқиргиси келади кишининг... Ушбу марказ қошида ташкил этилган ишонч кабинетлари, лабораториясидан мухбирнинг олиб борган мусоҳабаси айниқса ёшларимизни бу офат ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилади...

Экранда қадимий ва навқирон (нимагадир биз шундай дейишга кўникиб қолганмиз) Самарқанд... Ўн йиллар давомида «ҳамон таъмирланаётган» харобалар... Чуқур ўйга толаман: ахир бу таъмирлашларнинг чеки борми ўзи?! Қачон «мана, марҳамат, кекса Самарқанд кўз олдингизда худди онадан туғилган чақалоқдек яна ярқ этиб дунё кўрди» дея оламиз? Қачонгача биз кўз қорачиғидек сақлашимиз керак бўлган бу тарихий обидалар ичида этикдўзлик, атторлик, ҳатто новвойчилик қиламиз, қачонгача! Нуриддин Самарқанд ҳақида ёниб гапирди...

Ҳали Самарқанд изтиробидан ўзимга келганимча йўқ эди... Экранда ташландиқ болани (тили кесилсин шундай деганидан кўра) парваришлаб вояга етказаётган табаррук инсон Маҳфират Абдуллаеванинг сиймоси гавдаланди... Мунис Маҳфират ая, қани энди ёнимда бўлсангиз-у, қучоғингизга ўзимни отиб анча унут бўлиб қолган волидам исини Сиздан қидирсам... Шу норасидага сут узатган қўлларингизни лабларимга тўйиб-тўйиб боссам... Йўқ, шу тобда бир лаҳзалик айш учун бутун инсонийлик, ҳатто оналик бахтини қурбон қилган у фарзанд кўр қилгурни ўйламаяпман, ая, Сиздек олийҳиммат инсон олдида тиз чўкиб, беш қизим — беш фарзандим ҳаққи-ҳурмати Сизга таъзим қилишга тайёрман. Қани энди, ўша Умида қизчани олиб (менинг ҳам бир қизимнинг исми шундай), бизнинг хонадонимиз бекаси — қизчаларимнинг севимли бувижони бўлсангиз.

Шундай ширин хаёллар оғушида «эриб» ўтирибману экранда хонанда онани мадҳ айлаб қўшиқ айтмоқда... Бу қўшиқни балки Умиданинг «онаси» ҳам эшитаётгандир... Йўқ, йўқ, Нуриддин, бас қилинг бу куй-қўшиқни, у бебурт учун шундай қўшиқ хайф! Маҳфират аяни каттароқ планда кўрсатинг бунинг ўрнига?!

«Интилиш» телекўрсатувининг «Тошкент шаҳар гўдаклар уйида 140 бола тарбияланмоқда. Пойтахтда эса 12 та туғуруқхона бўлиб, уларда ҳар йили 120 га яқини Она меҳрига зор бўлиб ўтадиган ана шундай болалар дунёга келмоқда...» титр ёзувлари билан бошланувчи саҳифа мени бутунлай ўзига ром қилиб қўйди... Экранга михланиб қолганман-у қалбим туғён урарди...

«Интилиш» публицистик-мусиқавий кўрсатуви тугади... Экранда қандайдир тижорат бошланди... Мен ҳамон жойимдан жилолмайман.

Ўрнимдан турар эканман, пинжимга кириб ўтирган қизчамни ҳам энди пайқабман... Ада, мана шу киши телевизорга чиқсалар сиз, опамлар ҳам доим охиригача қизиқиб кўрасизлар-а?

Менинг назаримда журналист Нуриддин Очиловга нисбатан шу қизчам унинг бутун мухлислари номидан айтгандек бўлди...

Рустам САИДОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

БАЛИҚ ОВЛАНМОҚДА

СССР 60 йиллиги номли Хоразм балиқчилик комбинати ходимлари куз келишини кутиб ўтирмай, балиқ овига киришдилар. Гап шундаки, балиқ ҳозирнинг ўзидаёқ яхши семирди — сазан, дўнгпешона, оқ амур, зоғора балиқларнинг айримлари вазни икки-уч килограммга етди. Бу балиқларни тез-тез овқатланиб сув ҳавзаларини ўз вақтида тозалаб туриш натижасидир. Ов бароридан келиши кутилаяпти, корхоннинг даромади ҳам яхши бўлади.

Хўжаликдаги 1200 гектар сунъий кўлнинг ҳаммаси ижара участкаларига бўлиб чиқилган. Уларга Ортиқ Эшметов, Қаландар Матёқубов, Қадамбой Жабборов ва бошқа тажрибали балиқчилар бошчилик қилишмоқда. Янгича иш шароитига ўтилганидан кейин ҳар бир меҳнатчининг масъулияти, меҳнат интизоми ошди, ишларнинг бориши устидан назорат кучайтирилди. Бу йил комбинат савдо тармоғига 3,5 минг тоннадан кўпроқ балиқ етказиб беради.

ЭКИНЗОРЛАР ШИКАСТЛАНДИ

Қорақалпоғистонда об-ҳаво бузилди. Бу ерда ёққан дўл аралаш жаладан, айниқса, Чимбой ноҳияси хўжаликларига катта зарар етди. Фақат «Кенес» давлат хўжалигининг ўзида кўрилган зарар тахминан 1 миллион 198 минг сўм деб баҳоланмоқда. Ҳар бир ғўзада бир нечтадан кўсак пайдо бўлган минг гектардан зиёд майдонда тиккайган поялардан бошқа ҳеч нарса қолмади. Дон ва силос учун экилган маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари нобуд бўлди.

— Бўрон ярим соатга яқин давом этди, — дейди Қорақалпоғистон об-ҳавони кузатиш марказининг ходими Б. Бибитов. — Ленин кучли шамол ва баъзан катталиги ёнғоқдек келадиган дўл ўсимликлар учун офат бўлди.

«Гигант» давлат хўжалиги, шунингдек, Усмон Юсупов ва Биринчи Май номли давлат хўжаликларининг айрим участкалари ҳам табиий офатдан шикастланди. Чимбой ноҳиясида кўрилган зарарнинг умумий миқдори аниқланмоқда.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

ЯНГИ МУТАХАССИСЛИК

ФАРҒОНА политехника институтига кириш учун ариза берган ёшларнинг бир қисми ўзлари учун янги мутахассислик — экологик хавфсизлик техникавий системалари муҳандиси касбини танлашга қарор қилдилар. Ушбу соҳада малакали кадрлар ниҳоятда етишмаётганлиги шу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашни тақозо этди.

Шу йилнинг ўзидаёқ Фарғона водийсидаги ўзбек тилида таълим бериладиган дастлабки «Ноорганик моддалар технологияси» кафедрасининг бўлимига 25 киши қабул қилинади.

— Экологик хавфсизлик техникавий системалари муҳандиси — бу олий ўқув юртимизда ўн биринчи мутахассислик бўлиб, талабаларимиз шу соҳа бўйича таълим олмоқдалар, — деди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор М. Муҳиддинов.

БОШЛАНҒИЧ КУРСНИ ТУГАТДИЛАР

ЭЛЛИКҚАЛЪА ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида истиқомат қилаётган йигирма етти кишига араб тили курсини тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Уларнинг ҳаммаси битириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдилар.

— Кейинги вақтда ўлкамиз тарихига бўлган қизиқиш анча кучайди, — дейди қишлоқ мактаби ҳузурида араб ёзувини ўрганиш курсини ташкил этиш ташаббускорларидан бири, уруш ва меҳнат ветерани, 1927 йилдан КПСС аъзоси Отахон Каримов. — Кўҳна диёримизда ҳалигача қадимий қўлёзмалар, ёзма адабиёт ёдгорликлари топилмоқда. Зотан, қадим-қадимда араб тили ва алифбосидан фойдаланилганлиги бизга маълум. Авлодларимиз қандай яшаганлар, уларнинг анъаналари, халқимизнинг ўтмишдаги маданияти қандай бўлганлигини билиш учун бу тилни ўрганиш керак. Биз очган курсларни дастлаб битирганлар ўлкамиз тарихини асл нусхада ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозир мактабда араб ёзувини ўрганишни хоҳловчиларнинг янги гуруҳи қабул қилинмоқда.

Кўнгил кўнгилга талпинадими?

РЎЗНОМАНИНГ АХЛОҚ БЎЛИМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ...

Кейинги вақтда муштарийларимиз инсоний қадр-қимматлар хусусида кўп ёзишмоқда. Айниқса, бу борада йигит ва қизларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари бот-бот тилга олинаётир. Хўш, бугунги қадриятларимиз кечагисидан нимаси билан ажралиб туради? Худди шу савол ҳам кўпгина хатларнинг мазмунини ташкил қилмоқда. «Ёш ленинчи» ўқувчилари у ёки бу воқеани тилга олишар экан, бамисоли бахтли кунларни унутиб қўйишган-у, фақат машаққатли дамларни қаламга олишгандек кўринади.

Ҳақиқатан ҳам бахтли инсон кўп нарсани унутади. Кўнгил қувончи учун имконият етарли бўлса, гўё ундан бахтиёр одам йўқ бу оламда! Агар турмуш ҳаловатига дарз кетса борми, у ўзини қўярга жой топа олмайди. Ўз дардини афгор оммага ошкор қилишга, улардан мадад олишга шошилади. Аксарият хатларнинг мазмуни шуни кўрсатадики, агар муштарийларимиз бахтига ҳеч ким раҳна солмаса, балки рўзномага мурожаат этмаган бўлишармиди, деган хулоса ҳам келиши мумкин.

Тошкент машинасозлик институтининг Наманган филиали толиби Шуҳратжон Жўраев ўз мактубида дунёда бахтиёр оилалардан кўра бахтсизлари кўпроқ, деган фикрга боради. У орзу-ҳавас қилганлар ҳар доим ҳам ўйлаган ниятларига ета олмаётганини куйиниб ёзади. Шунингдек, муштарий айрим ота-оналарнинг ўз фарзандлари бахтига қарши туришиб, ўзи ёқтиргани билан турмуш қуришга йўл қўйишмаётганини куйиниб ёзади. Унинг фикрини тўла маънода тўғри, деб бўлмайди. Билдирилган фикрлар, албатта, шахсий. Аслида ҳар бир юрак ўз тафти билан оламни қучади. Оила қуришга қанчалик пухта қадам қўйилса, шунчалик мустаҳкам иттифоқ дунёга келади. Буни ҳаёт исботлайди. Қарияларимиз ҳам ёшларга худди ана шу борада сабоқ беришиб, танлаган йўлларидан адашмасликни, ўткинчи туйғулар қўлига айланиб қолмасликни таклиф қилишса, бунинг нимаси ёмон?

Тошкентлик Мастурахоннинг мактуби рости, мени ўйлантириб қўйди. Унинг ёзишича, 15 ёшда турмушга чиқибди. Ота-она қистови билан оила қурган йигити унинг кўнглидаги инсон бўлиб чиқмаган. Оила қуришдан олдин учрашганда унга бошқа йигитни кўрсатишибди. Турмушда умуман бошқа шахсни рўпара қилишибди. Натижада бор-йўғи уч кун турмуш қуришибди. 19 ёшда эса бир болали йигит билан қовушган. «Бахтим кулиб боқар», деб ўйлаган аёлнинг пешонаси шўр эмиш. Бу гал ҳам унда ҳаловат йўқ. Мана уч ойдирки, турмуши бамисоли арининг уяси. Муҳтарам ўқувчи бизга мактуб йўллаб кейинги эрини уни бағрига қайтаришни, тотув яшашида ёрдамлашишни сўрайди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Агарда рўзномамизнинг ҳар бир чиқиши мушкул йўлга кириб қолганларга ёрдам берса нур устига аъло нур бўларди. Ўйлаймизки, бахтингиз ўз қўлингизда. У бамисоли ўзингиз тайёрлаган таомга ўхшайди. У қанчалик хушталъм бўлса, шунчалик иштиёқ билан тановвул қилинади.

Жумҳурият рус тили ва адабиёти институтининг битирувчиси О. Ирзаевни йигит ва қизларимизда шарм-ҳаё кундан-кунга кўтарилаётгани ташвишга солади. У яқинда Юнусобод даҳаси билан метронинг М. Горький бекати ўртасида қатнайдиган 83-автобусда беихтиёр гувоҳи бўлган хунук воқеа хусусида ўз фикрларини баён қилган. Муштарийнинг ёзишича, куппа-кундузи икки ёш ҳамманинг кўз ўнгида қучоқлашиб ўтирганча, атрофидагиларга беписандлик қилгани унинг ғазабини келтирибди. Миллий урф-одатларда бундай беҳаёликка чек қўйилгани, ҳар бир инсон бошқаларга ҳурмат ва эътиборли бўлиши даркорлиги маълум бўлган бир вақтда ўзбек йигит ва қизлари ҳам Оврупа маданиятига эргашиб, қадриятларимизни оёқости қилишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлайди. Албатта, ҳаммани бир қолипга солиб, белгилаб қўйилган йўл-йўриқдан чиқмасликни таъминлашнинг иложи йўқ. Нима бўлганда ҳам халқимиз азалдан қадрлаб келган урф-одатларни менсимасликлари учун ҳеч кимга ҳуқуқ берилган эмас. Шунингдек, **Бухоро вилоятидан М. Турдиева,** Ўш вилоятидан **Ш. Раҳимов,** Андижон вилоятидан **А. Зоҳитов,** Тошкент шаҳридан **П. Раҳматуллаев** ва бошқа кўплаб муштарийлар ҳам ана шу мавзуда қалам тебратишга ҳаракат қилишган.

Бир туркум хатлар Ватанимизнинг турли бурчакларида йигитлик бурчини ўтаётган аскарлардан олинган. Тан оладиган бўлсак, кейинги вақтда рўзномамиз манзилгоҳига ҳарбий қисмлардан келаётган мактублар сони кескин ошди. Улар ҳам мунтазам бўлмасада, ҳар замонда «Ёш ленинчи»ни олишаётгани ва унда берилаётган турли мавзудаги мақолаларни ўқиб боришаётгани бизни қувонтиради, албатта. Кўпгина аскарларимиз ҳатто жумҳуриятимиздан узоқ бўлишса ҳам рўзномамизга обуна бўлишган. Ана шундай мактублар орасида айрим қизларнинг бевафолиги хусусидаги мактублар талайгина. Улар хизматга отланган йигитларни 2 йил кутишга ваъда беришган бўлишса-да, аммо тақдир тақозоси билан бошқача йўл тутишмоқда. Бизга йўлланган мактубларда ана шундай аскар йигитни унутиб қўйган қизларнинг «таъзирини» бериб қўйиш илтимос қилинган. Жумладан, Белоруссия жумҳуриятида хизмат қилаётган бир гуруҳ аскарларнинг бизга йўллаган мактубида хоразмлик, фарғоналик, жиззахлик, андижонлик йигитлар ўз севганларидан хат олишмаётгани боис хизматни тугатгач, ҳатто ўз юртига қайтишни истамай қолаётганликлари хусусида ёзиб юборишибди. Албатта бундай мазмундаги мактубларни олишнинг ўзи ташвишли ҳол. Бугунги беҳаловат кунларда аскарларимиз асло зориқмай, ҳеч нимадан чалғимай хизмат бурчини адо этишлари лозим.

Мактублар, мактублар... Уларнинг кети узилмайди. Бир туркум хатлар билан танишиб, фикрлар билдиришга улгурмаёқ яна бошқалари келади. Ҳар бир мактубда қалб нидоси баён этилган. Истардимки, ана шулар орасида фақат, мен бахтиёрман, мазмунидаги мактублар сони кўпайса, айни муддао бўларди.

И. УСМОНОВ.

Хорижлан хабарлар

Телетайп лентасидан

● БЕРЛИН. Бўлажак Умумгерман конституциясининг ташқи сиёсий жиҳатлари Ғарбий Германиядаги Фридрих Эберт номли фонд Потсдамда ўтказган конференция диққат марказида бўлди. Бу кенгашда Германия социал-демократик партияси ва бошқа партияларнинг сиёсий арбоблари, шунингдек, ҳар икки герман давлатининг олимлари иштирок этдилар. Улар бирлашган Германиянинг қабул этилиши мумкин бўлган асосий қонунига тааллуқли масалаларни муҳокама қилдилар.

ГДЖ ташқи ишлар вазирлигининг статс-котиби Ханс Миссельвитцнинг таъкидлашича, Германияни бирлаштиришга қатъий даъватлардан кейин Европа бирлашиши керак. Мазкур жараёнда бўлажак немис миллати сиёсий барқарорлик кафолати ва унинг мувофиқлаштирувчиси бўлиш ҳуқуқига даъвогарлик қилмаслиги лозим. Х. Миссельвитц ҳам бошқа нотиқлар каби конституцияга оммавий қирғин воситаларидан воз кечиш ва чет элга қурол сотишни таъқиқлашни киритиш фикрини маъқуллади.

● ПАРИЖ. Бир неча кун муқаддам Франциянинг Тирандаги элчихонасида яширинган 544 нафар албаниялик қочоқ уларни кўчириш учун Франция берган «Ориент стар» юк кемасида Марселга келди. Марсель портида қочоқларни Франция бош вазири ҳузуридаги ижтимоий фаолият бўйича давлат котиби Бернар Кушнер кутиб олди. Қочоқлар Марселдан мамлакатнинг турли ноҳияларидаги махсус жиҳозланган марказларга жўнатилади.

● СОФИЯ. БХЖ вазирлар Кенгашининг Раиси Андрей Луканов Болгария социалистик партиясининг бир партияли ҳукумати тузилишига қарши чиқди. БСП мамлакат янги парламентида депутатлик мандатларининг қарийб 53 фоизига эга бўлганлиги туфайли принцип жиҳатдан ўз ҳукуматини тузиш имкониятига эгадир.

А. Луканов «Ҳар якшанба» телевизион программасида сўзга чиқиб, ҳар қалай ҳозир Болгарияга парламентдаги барча асосий кучлар— «миллий масъулият ҳукумати»га таянувчи кучли ҳукумат зарур эканлигини уқтирди. Айни пайтда у БСП ўтмиш учун масъулиятни сира бошқа сиёсий кучлар зиммасига юклаш ниятида эмаслигини таъкидлади. Бунда гап Болгариянинг ҳозирги куни ва келажаги учун масъулиятни тақсимлаш тўғрисида бормоқда.

Бироз илгарироқ БСП Олий Шўроси А. Луканов номзодини мамлакат янги ҳукумати бошлиғи лавозимига тасдиқлади.

(СИТА).



Мактабни тугатгач кўпгина йигит-қизлар олдида, ўқишни қаерда давом эттирсам экан, деган савол туради.

АҚШда эса дорилфунунлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилувчи мактаблар кўп.

Брайан (Техас штати) шаҳридаги мактаб бундай ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасидир. У ерда ўқувчиларнинг табиий ва гуманитар фанлардан чуқур билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд.

СУРАТДА: юқори синф ўқувчиси.

Суратқаш М. МЕДВЕДЕВ.
(СИТА).

ЎЛИМ ЖАЗОСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

ПЕКИН. (СИТА). Хитойда беадаб мазмундаги китоблар, фотосуратлар ёки фильмларни чиқарганлик, сотганлик, тарқатганлик ёки мамлакатга олиб келганлик учун энг қаттиқ жазо — ўлим жазоси берилади. ХХР олий халқ суди ва олий халқ прокуратурасининг вакиллари бу ерда бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда шу ҳақда маълум қилдилар, деб хабар беради Синхуа агентлиги.

Агентликнинг таъкидлашича, Хитой қонунларига биноан шаҳвоний аҳлоқ ёки тўғридан-тўғри бузуқликни акс эттирувчи аудио ёзувлар ва видеоёзувлар, китоблар ва фотосуратлар мазкур мамлакатда «беадаб маҳсулот» ҳисобланади. Бу инсон гавдасининг гўзаллиги тараннум этилган адабиёт ва санъат асарларига, шунингдек, тиббиёт ва табиий фанлар соҳасидаги билимларни тарғиб этувчи асарларга тааллуқли эмас.

ХХР олий халқ суди раисининг ўринбосари Линь Чжуннинг айтишича, янги қоидалар фоҳишалик ва порнографияга зарба бериб, жамиятда islоҳотлар ўтказиш ва ташқи дунё билан ошкоралик сиёсатини амалга ошириш учун бирмунча қулай шарт-шароитни вужудга келтиришга даъват этилган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

СИНОВЧИ «ЎҒРИЛАР»

● ФРАНЦИЯ музейларидан расмлар ва бошқа санъат асарларини ўғирлаб чиқиб кетиш офатга айланди. Мамлакат ички ишлар вазири Пьер Жокс бу офатга қарши, яъни музейларни қўриқлашни кучайтириш учун махсус хизмат бўлинмасини ташкил этди. Хўш, натижа қандай бўлди?

Буни синаб кўриш учун «Миди либр» рўзномасининг икки журналисти Одил Симерьер ва Пьер Карьерлар атайин музейга «ўғирлик»ка киришди ва XIX асрда яшаган француз рассоми Энгранинг ноёб расмини томошабинлар ва қўриқчиларнинг кўз олдида ҳеч қандай қаршиликсиз ўғирлаб чиқиб кетишди.

Бироқ синов — синовда. Асарни яна қайтадан музейга топширишди.

ГЎЗАЛЛАР КЎРИГИ ҚАЕРДАН БОШЛАНГАН!

● Бу кўрик бошланганига 100 йил тўлгач, мамлакатимизга кириб келган. У биринчи марта 1888 йили Бельгияда уюштирилган. Кўрик «Энг-энг» деб номланган бўлиб, унда 350 даъвогардан 20 нафари кўрикнинг финал босқичида қатнашган.

Ўша пайтдагиси билан ҳозирги даврда ўтказилаётган кўриклар ўртасида от билан туядек фарқ бор. Ўша пайтда, гўзалларнинг номлари томошабинлардан сир тутиларди, улар алоҳида уйларда яшарди, мусобақага эса ёпиқ машиналарда олиб келинарди. Томошабинлар узун кўйлак ва фракда (олд этаги қисқа, орқа этаги узун эркаклар кийими) келишлари шарт эди.

Ўша биринчи кўрикда гваделупалик 18 ёшли Берте Сукартга ғолиблик насиб этган. Унга 5 минг франк мукофот берилган.

Ҳозир ўтказилаётган кўриклар эса, яъни қизларнинг ярим яланғоч ҳолда чиқиши 1951 йили 15 апрелдан—Англиядан бошланган.

ГАПИРУВЧИ ҚАРҒА

● ЙИРИК қушлар одамларнинг гапларини тушуниши, ҳатто сўзлай олиши ҳаммага маълум. Масалан, шундай қушлар тоифасига тўтиқуш, қарға ва майналар киради.

Ғарбий Германиянинг Грос-Рекен шаҳарчасида яшовчи В. Боденшацнинг уйида 6 йилдан бери қарға яшайди. Унга Рааби, деб ном қўйган. Раабининг бошқа қарғалардан фарқи шундаки, у уй соҳиби билан бемалол бўлмаса-да, анча-мунча тиллаша олади.

Рааби «Ассалому алайкум», «Об-ҳаво яна айнияпти», «Раабининг қорни оч», «Деразани очиб юборинг, хона жуда дим бўлиб кетди» каби бир қанча сўзларни бемалол «талаффуз» қила олади.

Кейинги пайтда Рааби тумшуғини очмай қўйди. Лекин сўзларни аввалгидай айтаверади. Орнитологлар бунинг сирини ҳозирча топишгани йўқ, дейилади «Цайт» рўзномасида босилган хабарда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Александр Мильчаков ДХҚга қарши курашади

Журналист хусусий қидирув олиб боради

Журналист Александр Мильчаковнинг номи москваликларга яхши таниш. Сўнгги йилларда у сталинча оммавий қирғин қурбонлари кўмилган жойларни излаб топиш билан машғул. Тарихимизнинг даҳшатли даври тўғрисида у фақат миш-мишлардан эшитгани йўқ. Унинг отаси — ВЛКСМ МҚ собиқ бош котиби Александр Изанович Мильчаков ГУЛАГнинг барча жаҳаннам доирасини бошидан кечирган. Оиласи ҳам кўп азоб чеккан.

Бугунда Александр Мильчаков кўнгилли ташаббускорлар ва олимлар билан изланишини давом эттирмоқда. Москваликлар бу қидирувлар натижасини диққат билан кузатишмоқда. Бутуниттифоқ «Мемориал» жамияти ишчи гуруҳнинг аъзоси, 30—40 ва 50-йиллар бошида асоссиз равишда қирғин қилинганлар дафн этилган жойларни излаб топиш бўйича шаҳар комиссиясининг аъзоси.

А. МИЛЬЧАКОВ «Вечерная Москва» мухбири саволларига жавоб беради.

— Москваликлар бир ярим йил аввал Марказий телевиденениенинг «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» кўрсатувидаги чиқишингизни яхши эслашади. Ўшанда Сиз Калитников қабристонида ноқонуний қатл қилинганлар қабрини топганлигингизни айтгандингиз. Эсимда, ўшанда ДХҚдаги (Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси) ҳужжатгоҳларига таянган ҳолда шаҳардаги бошқа шундай оммавий мозорларни топишга ёрдам сўраб, мурожаат қилган эдингиз.

— Калитников ва Дон қабристонларида оммавий отилганлар кўмилган қабрлар бор. Уларни қабр деб бўлмайди, чунки қатл қилинганлар чуқурлар, жарларга шунчаки кўмиб ташланган, холос. 30-йилларда бизнинг ватандошларимизни ана шундай «дафн этишган». Менинг ҳисоб-китобимга қараганда, биргина Калитников қабристонида ҳеч бир гуноҳи бўлмаган ўн минглаб кишилар кўмиб юборилган. Бу мақсадсиз қон тўкиш эди. Улар ҳозирда тўла оқланган. Таассуфки, уларнинг на яқинлари, на қариндошлари, на ҳамкасблари бу ерга келиб, марҳумларнинг қабрига гул қўйиб, хотирани ёд этишолмайди. Сабаби, мен жуда ишонч билан қараган ДХҚ ҳалиям бу даҳшатли маконда кўмилган қурбонларнинг исм-шарифини батафсил эълон қилишганича йўқ. Халқимизда ўтганлар хотирасига бош эгиш, эслаш анъанаси бор. Фарзандлар ўз ота-оналари қаерга кўмилганини билишлари керак.

— Ахир, ДХҚ томонидан ўтган даврда берилган ваъдалар жуда катта бўлди-ку: телевидение орқали кўрсатишди, ҳужжатгоҳлар очилган, тарихчиларни таклиф этишди: марҳамат, келинг, ўрганинг, фойдаланинг. Наҳотки, ваъдалардан кейин бирорта амалий натижа бўлмаган бўлса!

— Натижа бўлмади. Ваъдалар мустаҳкам асосга эга эмас. Ҳозирда ҳам ҳужжатгоҳлар олдингидек етти муҳр остида. Билмадим, бу сўзларимни ёзасизми-йўқми, лекин, айтаман, менга ҳам 2-турдаги рухсатнома беришди. Кўпдан-кўп саволлари бўлган анкетани тўлдирдим... Тушунмайман, ошкоралик ва қайта қуриш замонида ҳужжатгоҳга ишга тушган кишига бундай анкетани тўлдириш нимага керак? Майли, худо шоҳид, эски одатлар ҳамон яшовчанлигини кўрсатяпти. Нима бўлсада, шундай рухсатномани олишга муваффақ бўлдим. Аммо, ҳамон бирорта ҳужжатни кўрганимча йўқ.

— Қандай ҳужжатлар ҳақида сўз бораяпти!

— Ишончим комилки, оммавий қабрлар ҳақида, ким қаерга кўмилгани тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар мавжуд. Гарчи, ДХҚ ходимлари менга ишонч билан бундай ҳужжатлар тўғрисида ҳеч нима билмасликларини уқтираётган бўлсаларда. Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг. 1937-1939 йилларда шаҳримизда ҳар куни минг нафар одам отилган. Бу рақамни тарихчи Рой Медведев «Тарих ҳукмига» китобида келтиради. Бу фикрни ДХҚ ходимларига айтганимда, улар буни маъқуллашди. Тўғри, бир оз камайтириб — 900 га туширишди. Бу вазиятни ўзгартирмайди, албатта. Тасаввур қилинг: ҳар куни 900—1000 киши қатл қилинган. Энди вазиятга теран кўз билан қарасак, ҳар куни, яна кечаси, бу ваҳшийликни амалга ошириш, уни ими-жимида бошқаларга сездирмаслик, отиш, дафн қилиш учун каттагина команда керак бўладими? Бу ишни НКВДнинг йирик бўлинмалари амалга оширган: унинг таркибида дафннинг санитарияси учун масъул врачлар, отиш ва кўмиш жойини ҳозирлайдиган ходимлар ва оддий ижрочилар — ҳайдовчилар ва бошқалар бўлишган. Бу кишиларнинг барчаси ўша кези ёш бўлишган. Бугунда барҳаётлари камида 70 ни қоралаган. Ўшанда улар эндигина ҳарбий хизматни тугатган, асосан қишлоқ ёшлари, келгусида шахсий ҳаётини қандай бошлашни билмай юрган ёшлар, қишлоққа қайтсинми ёки шаҳарда «ўрнашиб қолсинми?» Ўшанда тўсатдан НКВДга чақиришади ва айтишади: сен шаҳарда қоласан, отилган халқ душманидан бўшаган уй-жойга эга бўласан, унвон бериладими, озиқ-овқатинг тайин. Фақат ўта муҳим ва махфий топшириқни бажаришинг керак. Кўплари рози бўлишган, ўзлари ижро этган ишнинг ҳақлигига ишонишган, ишонтиришган.

Уларнинг ёшларини шунчаки келтираётганим йўқ, боиси, кўпчилиги ҳаёт, кейинчалик нишонлар олишган, катта-катта унвонда, нафақа олишади. Шахсий дала ҳовлилари бор, зерикканидан гул парваришлашади. Ўз фарзандлари тасаввурида пўлатдек мустаҳкам чекист, сал бўлмаса доктор Зоргедек кўринадилар. Ахир, улар гўё ўта муҳим топшириқни адо этишган. Бугун ДХҚнинг ёш ходимлари менга барча ҳужжатлар йўқолган, у кунларнинг тирик гувоҳларини топиш даргумон, дейишмоқда.

Қидирувнинг бошқа йўлини таклиф этдим. СССР ДХҚсида ветеранлар кенгаши бор. Агар уларнинг фаолларига мурожаат қилинса, улар ўша «муҳим вазифа»ни адо этган кишиларни излаб топишда ёрдам беришарди. Гарчи, бир неча марта илтимос қилган бўлсамда, ветеранлар кенгаши аъзолари билан учрашиш имкони бўлмади. Айтдим, уларни топишдан кўзланган мақсад «фош қилиш» эмас, Андрей Дмитриевич Сахаров фалсафасига содиқман. «Мемориал»нинг ташкилий қурултойида у айтгандики, унутманг — хочга тортилган жаллод — бу қурбон. Бизга янги қирғинлар, жазолар, қон тўкиш керак эмас. Аммо, сира тушунмайман, бу кишиларни излаб топишда ДХҚга нима халақит бермоқда. Ахир анкеталар бор, бу бўлинмаларнинг хизмат рўйхатлари бор. Такрор айтаман, фақат қаерда ва қандай рўй берганини билишимиз лозим.

Уларнинг исмларини маълум қилиш ниятим йўқ. Майли ДХҚ бизга гувоҳлар ҳақида унча аниқ бўлмаган маълумотларни берсин. Ниҳоят, кимлардир биргаликда ишлаган ҳамкасблари орқали бўлсада бу дафн жойларини билар ахир? Майли шунда ҳам шахсини айтмай қўяқолсинлар. Ҳужжатларсиз, гувоҳларсиз бир иш чиқариш қийин. Бу иш мазкур қирғинлар бошида турган маҳкаманинг қирғин ижрочиларининг ўтмиш қабоҳатларидан фориғ бўлиши, тавба тазаррусини ҳам белгилайди.

Истаймизми-йўқми миллион-миллион жиноятлар, қон тўкилишларнинг изи Дзержинский майдонидаги бинога бориб тақалади. Қачонки, ДХҚда ҳужжатлар йўқолганлиги, гувоҳлар қолмаганлигини айтишар экан, менда ишончсизлик уйғонаверади. Булар ҳаммаси қандай туйғуларга олиб келиши мумкин? Мана, икки йилки, мен шахсий қидирув ишлари олиб боришга мажбурман. Гувоҳларни ўзим қидириб топаман, улар воқеаларни ўз кўзлари билан кўришганини айтишади, жойларни кўрсатишади. Фирқа аъзолари ва фирқасиз ўртоқлар келиб, мурожаат қилишадики, уларда ярим аср олдинги даҳшатли воқеаларнинг қўрқинчли хотиралари сақланган.

Калитников ва Дон қабристонларидан ташқари бу йил Рогожда ҳам бир қатор қабрларни очдик. Бу ерда 1941 йилнинг 16 октябрь куни отиб ташланган Шўро Қўшинининг уч юз нафар олий командирлари кўмилган. Бу кун маълум, у ҳақда маршал Г. К. Жуков гувоҳлик берган. Аммо, ДХҚда бизга силлиққина қилиб, бу далилни тасдиқловчи бирорта ҳужжат топилмаганини баҳона қилишади. Талайгина гувоҳлар бор, улар мазкур мозорлик ўрнини кўрсатиш ниятидалар. Лекин ДХҚ ходимлари томонидан бу ишга қизиқиш борлигини сезмадик. Нимага? Кўриниб турибдики, бу қонхўрликка алоқадор кишилар жамоатчилик олдида, ҳамкасблари олдида қотил номини олишни исташмаяпти.

— Майли, нима бўлсада ҳақиқатдан юз ўгирмайлик: айтишларича

1

Сизнинг мурожаатингизга жавоб берган, амалий ёрдам кўрсатишни истаган ДХҚ ходимлари барибир топилибдику...

— Ҳақсиз, дарвоқе шундай кишилар бор. Москва вилояти ва шаҳри Хорошев (собиқ Ворошилов) ноҳия ДХҚ Бошқармаси бошлиғи, полковник А. В. Ремигайло бу ишга чин кўнгилдан қизиқди ва ҳамкорлигини билдирди. Унинг айтишича, москваликлар ва мазкур ноҳия аҳолиси ўзлари яшаётган ҳудудда кўмилган қурбонларни билишлари шарт. У ҳали ёш ходим, урушдан сўнг туғилган, ўша пайтда ноҳақ қирғинга дучор бўлганлар билан қандай муомала қилишганини тасаввур қила олмайди.

Ноҳия ДХҚ бўлими билан ҳамкорликда узоқ изланишлар ўтказдик. Натижада Альтуфьев катта тош йўли ён бағридаги 21—ТЭЦ ҳудудида даҳшатли мозорга дуч келдик. Бу «қабр»га «Москва — Волга» канали қурувчилари бўлган маҳбуслар дафн этилган. Даҳшатли қабр. Ҳозирда бу қабр РСФСР Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-табобат экспертизаси бўлими ходимлари томонидан тадқиқ қилинмоқда.

Айтишим керак, полковник А. В. Ремигайло — бу якка ҳодиса. СССР Давлат Хавфсизлик Қўмитаси раиси В. А. Крючков СССР халқ ноиблари билан телевидениеда бўлган мулоқотидаги нутқида буни яна бир карра исботлади. Унинг битта луқмаси мени лол қолдирди: ...Дарвоқе, мана ҳужжат ҳам бор: 1937-38 йилларда бир миллиондан сал ошиқ одам қамалган ва 600 минг нафар киши отилган. Демак, деб давом этди у, ўн миллионлаб қурбонлар ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Билмадим, у буларни ўйлаб айтдими? Мен сўнгги пайтда ошкор қилинган қатор тадқиқотлар билан танишман, уларга ишонаман ва муштарийларни яна бир карра А. И. Солженицыннинг «Архипелаг ГУЛАГ» асарини ўқишга, «Московский комсомолец» рўзномасида таниқли адабиётшунос олим И. Виноградов эълон қилган тадқиқотлар билан танишишга чақирардим. У 50-60 миллион киши қатағон қилинганини айтади. Эътиборингизга, худди шу рақамни тўғри дейишаётган амирқолик шўрошуносларнинг тадқиқотларини ҳавола этардим. Мен бунга қатъий аминман. Сабабими? Ахир Сибирга аёвсиз кўчириб юборилган 20—25 миллион деҳқонларни унутиб бўладими? Уларнинг барча мол-мулкини талаб, кийимсиз, яланғоч, гўё А. Т. Твардовскийнинг отаси сингари, Воркута, Магадан, Қозоғистонга ҳайдашган... Нима бу қатағон эмасми? Янги кўчирилган жойга етар-етмас улар нобуд бўлишган. Ажаб, уларни шу кунгача ҳеч ким сиёсий жиҳатдан оқлаганича йўқ. Ёки ўша пайтда Болтиқбўйи аҳолисини Колимага, Магаданга мажбурий кўчиришганини айтинг.

Шундай сўзларни эшитишга тўғри келади, гўё Сталинни тушуниш керак эмиш, бир қарорга келиш, чунки у бу ишларни қилишга мажбур бўлган. Аммо, тарих аллақачон тушунди ва ҳал қилди. Яқинда Мериленд дорилфунуни професорри Жон Гоулд Москвага келди. Бизнинг бир қатор олий ўқув юртларимизда сталинча қатағон натижасида совет зиёлилар синфи илмий қудратининг пасайганлиги ҳақида суҳбатлар ўтказди, маърузалар ўқиди. У ҳам қатағон қилинганлар сонини 50—60 миллион ўртасида деб айтди. Мен барибир бу соҳада мукаммал тадқиқотчи деб Александр Исаевич Солженицынни биламан. У барча ҳужжатларни ўрганган, ашёвий далиллар билан танишган. Масалага худди шундай илмий ёндашув айрим ДХҚ ходимларида мутлақо етишмайди. Ва улар нимагадир тарихий ҳақиқатни тиклашга ёрдам беришга интилавермайдилар.

Аслида эса Иттифоқ ДХҚ ўз қарорларида бу ишни амалга оширишга кўмаклашиш уқтирилган. Бу қарорларни бажаришни, имоним комилки, улар ўзларича уддалашади. Амалда улар ҳужжатгоҳларни тадқиқ қилишлари, «Мемориал» қатнашчилари ва мени сафдошларимни тахминларимни ўрганишлари, масалага жиддий қарашлари керак. Аммо, иш қаердадир чалкашади, тўхтаб қолади. Улар томонидан умуман ташаббус борлигини кўрмаяпман. Балки булар айрим ходимларнинг айби эмасдир? Айтайлик, Москва вилояти ва шаҳри ДХҚ Бошқармаси ана шу масала билан шуғулланиш топширилган ходимлар айни пайтда бошқа қатор топшириқлар билан кўмиб ташланганки, уларга раҳминг келади, холос. Улар ҳужжатгоҳларда ўтиришибди, мен эса улардан кўпроқ нарса биламан.

— Яқинда, январь ойида Москва шаҳар Шўро ижроқўмининг 30—40 йиллар ва 50-йиллар бошида ноқонуний қатағон қилинган кишилар қабрларини излаб топиш бўйича махсус комиссияси тузилганди. Сиз бу комиссияга аъзомисиз!

— Ҳа. Бу комиссия таркибига ДХҚ ходимлари ҳам кирган. Қизиққонлик билан бўлсада айтай: комиссия бу шунчаки — йўлига. Ўтган уч ой ичида комиссия фақат бир марта тўпланди, бирорта қарор қабул қилгани, бирорта йўл-йўриқ бергани, бирорта шаҳидлар кўмилган жойни аниқлаганича йўқ. Унинг сабаблари турлича. Комиссия раиси — Москва шаҳар Шўро ижроқўми котиби Ю. А. Виноградов сайловлар билан банд бўлди, ДХҚ ходимлари эса ўз ишлари билан... Ҳатто оддийгина масала: пойтахт жамоатчилиги ва «Мемориал» талаб қилган сталинча қатағон қурбонлари шарафига Мангу олов ўрнатиш ҳал қилинганича йўқ. Бир ҳафта ичида ҳал қилишга ваъда беришганди, орадан тўрт ой вақт ўтди. Шу боис ўйлайман, комиссиясига ишониб, аслида маъмурий-буйруқбозлик системасини кўринишининг асири бўлдик, холос.

Ҳозирда барча умидларимни янгидан сайланган депутатларга боғлаяпман. Ишонаман, энди комиссия ҳам ишга киришар. Унинг таркибида «Мемориал»нинг кўпгина фаоллари бор.

Мангу олов ўрнатилиши лозим бўлган жой ўрни масаласини ҳафта ичида ҳал қилиш мумкин. Истак бўлса бўлгани. Рассомлар иттифоқида, архитекторлар уюшмасида ажойиб лойиҳалар тайёрланган. Албатта, ўйлаб кўрса бўладиган масалалар кўп, аммо Мангу олов маблағ ва кўп иш талаб қилмайди. Кимгадир бу ишни қилиш ёқмаяпти...

— Сизнинг шахсий қидирувларингизга қайтайлик. Қанча маҳфий дафн жойлари топилди!

— Шуни таъкидлашим кераккки, шаҳримиз ҳудудида тўртта эмас, балки уч бор кўп махфий дафн жойлари бор. Уларнинг айримларини биринчи марта айтаяпман. Матбуотда ошкор қилишга шошилаётганим йўқ, чунки кўпроқ маълумотлар тўплашим керак.

«Вечерная Москва» жойлашган бинодан унча узоқ бўлмаган ҳудудда яна битта даҳшатли махфий мозоргоҳ бор. Бу — Москва дарёси яқинидаги Новопасск саждагоҳи. Мазкур бутхона деворлари ёнида Коминтерн фаоллари бўлган минглаб чет эллик коммунистлар отиб ташланган. Маълумки, ўттизинчи йилларда Коминтерда тозалаш бошланганида, шахсан Сталин кўрсатмаси билан бу ташкилотнинг юзлаб фаолларини атайлаб Москвага чақирилган ва отиб ташланган. Кўпгина машҳур шахсларнинг номини келтиришим мумкин. Инқилоб учун бутун умрини фидо қилган кишилар ўзларининг сўнгги кунларини қаерда якунлашди, нимага бу ваҳшийликлар рўй берди, халқлар албатта буни билиши керак.

2

Яна бир марта тасдиқлайман, бу бутхона девори тагига халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Милан Горкич кўмилган. Бу ҳақда яқинда рўзномангиз ёзганди. М. Горкич — Югославия Компартияси Марказий Қўмитасининг сиёсий котиби бўлган, бу вазифада И. Б. Титодан олдин ишлаган. Ўнлаб ўз сафдошлари билан худди шу ерда отиб ташланган. Худди шу ердаги чуқурликларда Польша Компартияси Сиёсий бюроси ва Марказий Қўмитаси аъзоси таниқли публицист, поляк ишчилар ҳаракатининг раҳбарларидан бири Адольф Варский-Варшавский ҳам кўмилган.

Бу ерда таниқли дипломат Стефан Бродовский ҳам ётибди. Ҳибсга олиниши арафасида у СССРнинг Латвиядаги элчиси бўлган. Унинг ёнида асли касби кимёчи муҳандис, Березнакадаги кимё комбинати директори бўлиб ишлаган Хелена Бродовская бор. «Ижтимоий хўжалик» жаридасининг муҳаррири, иқтисод фанлари доктори Мечислав Броньскийни эсламасдан ўтиб бўлмайди. Ўша замонларнинг иқтисодчилари бу исмни жуда яхши хотирлашади. Худди шу ерга Иттифоқ ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адабиётшунос-танқидчи, таниқли публицист, тарихчи Ромский Стейн Хенрик (тахаллуси Каминьский) ҳам дафн қилинган. Уни 1937 йили отиб ташлашган. Мени ўша пайтда Коминтерн ходими — «Коммунистик байналмилал» жаридасининг бош муҳаррири бўлган Генрих Валецкий ва Коминтерн кадрлар бўлимининг бошлиғи Геворг Алиханов шахсиятлари қизиқтиради. Улар ҳам худди шу ерга кўмилган. Яна ўнлаб таниқли номларни санаш мумкин. Улар инқилоб баҳодирлари бўлишган, уларни ваҳшийларча қийнаб, ўлдиришган.

— Бу кишилар айнан худди шу бутхона деворлари олдида кўмилган, деб ишонч билан айтишингиз боиси нимада!

— Қонуний савол. Ҳамма гап шундаки, бу кишиларни деярли бир кунда, навбати билан отишган. Бир аёлни учратдим, унинг гувоҳлик беришича, онаси билан яхши таниш бўлган НКВД ходими отаси югославак коммунистлар билан бир кунда отилгани ва бир жойга кўмилганини айтган. Яқинда бир неча гувоҳлар келиб, Коминтернда ишлаган оталари отилган жойни билишларини айтиб қолишди. Ҳаммалари бир йил ва бир ойни айтишади. Ва ниҳоят бошқа бир қатор манбалар борки, уларда дафн ўрни кўрсатилган. Бу кўрсатмаларни ўрганиш, мукаммал экспертиза кўригидан ўтказиш керак.

Шундай имконият бор. Чунки, ўша жой яйдоқ, қазиш ишларини бемалол бошласа бўлади. Ҳозирги фан марҳумнинг жасад қолдиқларини ўрганиш орқали унинг шахсини аниқлашдек яхши ишлаб чиқилган методларга эга.

Биринчидан, бизнинг кўпгина суд экспертлари, жумладан РСФСР Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-табобат экспертизаси Бош бюросининг физика-техника бўлими бошлиғи С. С. Абрамов антрополог Герасимовнинг бош суяк орқали инсон қиёфасини тиклашдек машҳур усулни жуда яхши ўрганган. У амалда бу методни жуда яхши билади. 21-ТЭЦ яқинидан топилган, «Москва — Волга» канали қурилишида ишлаган маҳбуснинг жасади қолдиқларини келтирганимизда, айнан шу С. С. Абрамов унинг асл қиёфасини тиклади. Ҳозирда янада фойдали, тезкор услуб кашф этилган. Криминал—олимлар уни «компьютерлашган» сурат-тасвир деб аташади. Бу методнинг кашфиётчиси — таниқли криминалчи, СССР ИИВга қарашли илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, табобат фанлари номзоди, полковник Б. А. Федосюткин.

Хўш, бу усул нимага асосланади. Шартли қилиб айтсак, инсон қиёфаси унинг бармоқ излари каби бетакрор. Ҳар бир юз тузилишининг ўзи бир олам. Бурун, оғиз, кўз, қулоқлар — айнан мана шу аъзолар унинг бетакрорлигини таъминлайди. Жасад қолдиқларига кўра худди ана шу аъзолар маълум қилинади ва компьютерга керакли дастур етказилади ва у юз қиёфасининг тайёр тасвирини беради. Бу жуда келажаги порлоқ усул, шу боис у билан кўпгина соҳа олимлари қизиқишмоқда.

РСФСР Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-табобат экспертизаси бюросида ўз касбининг эгалари, жуда қобилиятли мутахассислар ишлашмоқда. С. С. Абрамов билан биргаликда улар мазкур ғояни тўла ўзлаштириб, янги-янги компьютер чизма лойиҳалари ишлаб чиқаришмоқда, бизнинг ишимизда жуда асқотадиган. Менинг орзуим — худди шундай ускуналарга эга бўлган кўчма лабораторияни қўлга киритиш. У барча талабларга, қазишма олиб борилаётган жойнинг тегишли саволларига жавоб қайтара оладиган бўлиши керак. Ҳозирда бизга жуда зарур бўлган — мустақкам илмий хулоса бера олиши керак. Мазкур ғояни қўллаб-қувватлаётган СССР ижтимоий ихтиролар Фонди, унинг раиси Г. П. Алференко ва ижроий кенгаши аъзоси Ю. Е. Подшиваловларга чин кўнгилдан миннатдорчилигимни билдирардим.

Эътиборга лойиқ томони шундаки, бу муаммога қизиқиш ҳозирда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда ошди. Ҳамма гап шундаки, Венгрия, Булғория, Чехословакия ҳудудларида ҳам... шундай махфий қабристонлар бор. Трайко Костов, Рудольф Сланский, Ласло Райка ва бошқалар устида ўтказилган суд жараёнларини эсланг. Демак, ҳали топилмаган махфий қабристонлар жуда кўп. Қизиғи, бу ишларни бажарганларнинг «ҳуснихати» ўхшаш. Эндиликда маълум бўлишича бу жараёнларни берияча-ежовча мактабни ўтаган Москва шаҳар ДХҚ бўлими ходимлари бошқариб туришган.

Сураткомпьютер усули ёрдамида мазкур мамлакатларда, тупроқ остида узоқ вақт яширинилган сирларни аниқлаш, отилган, кўмилган кишиларнинг шахсини билиш имконига эга бўлардик. Бунинг устига бу усулга нафақат Шарқий Оврўпода, балки Вьетнам ва АҚШда қизиқиш катта. Нимага? Тушунтираман. Вьетнам чангалзорларида ўттиз йил олдин ҳалок бўлган амирқо учувчилари, аскарлари жасадлари ётибди... Амирқо оилалари яқинлари машъум урушда қаерга дафн қилинганини ҳамон билмайдилар. Жасад қолдиқларини жойнинг ўзида аниқлаб, кейин АҚШга олиб бориш мумкин бўлади. Вьетнамлик дўстларимиз бугунги кунда бу услубни ўзлаштириш имконига тўла эга эмаслар. Шу боис улар мутахассислар тайёрлаб бериш тўғрисида илтимос билан чиқишди. Амирқоликлар эса марҳум жангчиларнинг жасадларини топиб, кимлигини аниқлаш учун кетадиган барча харажатларни тўлаш ниятидалар. Жасад қолдиқларига кўра марҳумнинг қиёфаси, кимлигини аниқлаш имконига эга бўлган сураткомпьютерли лаборатория кейинча йирик халқаро методик марказга айланиши мумкин.

Бундай лабораторияни қандай яратиш мумкин? Маблағ, ускуналар ва жойлашиши учун бир неча хонадан иборат макон керак. Ўйлайманки, кўчма лаборатория борасидаги орзуйим ҳам бир кун келиб рўёбга чиқади.

— Энди шундай савол: фақат ташаббус, фидойилик билан узоққа бора олмайсан. Ускуна, транспорт зарур. Бу ишни ким моддий жиҳатдан таъминлаб турибди!

—Ҳозирча ҳаммаси ташаббускорларнинг иши эди. Албатта, молиявий базага эга бўлишимиз керак. Қидирувга қизиқиш жуда катта. Дастлабки даврда бизга моддий ёрдамни СССР ижтимоий ихтиролар фонди берди. Фурсатдан фойдаланиб, Москва аҳолисига, барча корхона-ташкилотлар, ширкатлар раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман: Халқимиз хотираси, бизнинг тарихимиз билан боғлиқ муҳим, савоб ишнинг бошланишига моддий ёрдам қўлингизни чўзинг. Биз ноҳақ қатл этилган кишиларнинг дафн жойларини топишимиз керак. Сталинча қонли қатағоннинг миллионлаб қурбонлари тарих кулдонидан бош кўтаришлари керак.


В. ГОРЛИН ва Н. ГОРЯЧЕВА суҳбатлашди.

«Вечерная Москва» рўзномасидан Рўзимбой ҲАСАН таржимаси.

(Таржимон илтимосига кўра қалам ҳақи Хивадаги «Достон» фольклор этнографик уюшмаси ҳисобига ўтказилади).

3

Бепоён менинг Ватаним





МОЗИЙГА БИР НАЗАР


ЛЬВОВ. Бу ерда «Яҳудийлар яшаган дунё» деган мавзуда кўргазма бўлиб ўтди. Унда УССР Фанлар академиясининг Львов этнография ва бадиий ҳунармандчилик музейи ҳамда «Юниор» Москва ёшлар маркази 600 дан ортиқ анжомлар, суратлар, буюмларни намойиш қилишди. Кўргазма асосини яҳудийлар маданиятининг билимдони Максимилиан Гольдштейнга тегишли нарсалар ташкил қилади. Кўргазмани АҚШ, Польша ва бошқа мамлакатларда намойиш қилиш масаласи ҳал қилинмоқда.

МОСКВА дарёсининг ўнг қирғоғида тарихий шаҳар маркази — Замоскворечье жойлашган. Бу ерда XVI-XVII асрларда қишлоқ яшаш тарзи вужудга кела бошлайди. Бироқ XVII асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқариш муносабатларининг кескин ривожланиши, черковлар сони ошиши туфайли XVIII асрга келиб қишлоқ яшаш тарзи секин-аста йўқолиб, шаҳарлар пайдо бўлади. Турли ўлкалардан келаётган савдогарлар бу ердаги иқтисод ва маданият ривожига катта таъсир кўрсатдилар.

Афсуски, эндиликда у вақтлардаги барча иншоотлар тўлиғича сақланиб қолмаган. Мавжудларини таъмирлаш учун ҳозир катта ишлар амалга оширилмоқда.

СУРАТЛАРДА: яҳудий қиз сурати; А. С. Пушкиннинг катта қизи М. А. Гартунг сурати. У Анна Каренинанинг прототипидир; Замоскворечье. Демидовларнинг собиқ саройи — ҳозир К. Д. Ушинский номидаги СССР АПН илмий-педагогик кутубхонаси.

СИТА суратлари.






Саъдулла Хива ноҳиясидаги Тельман номли мактабда таҳсил олган эди. Нега эди, дедик. Нима учун ўтган замонда сўзлаяпмиз. Сабаби, энди Саъдулла Отамуродов орамизда йўқ. У шаҳид бўлган. Афғонистонда бўлган бемақсад урушда яшашдан унинг насибаси қийилди.


Саъдулланинг номи ўчиб кетмади. Ноҳиядаги Ленин номли жамоа хўжалигида фаолият кўрсатаётган кашшофлар лагерига унинг номи берилди.

— Олдин бу ер хўжаликнинг меҳмонхонаси эди, — дейди биз билан суҳбатда лагерь кашшофларининг бош етакчиси Мамажон Саидова.— Мана, энди, кўриб турганингиздек болаларнинг севимли оромгоҳига айланди. Шунинг ўзиёқ хўжалик раҳбарларининг ўқувчиларга бўлган муносабати қандай эканлигини кўрсатиб турибди.

Лагерда мактаб ўқувчилари 3 сменада дам олишмоқда. Ҳар сменада 110 нафар бола ҳордиқ чиқаришга келади. Бу ерда болалар зерикишмайди. Турли конкурслар, отрядлараро мусобақалар бўлиб турибди. Хўжалик ажратган автобусда саёҳатларга ҳам чиқишади.




Кўзинг қувнайди



— Ноҳиямизда 31 та мактаб бор, — дейди Хива ноҳияси халқ таълими бўлими мудири Зуҳур Қурбонов. —Уларда 22222 нафар ўқувчи ўқийди. Таътил онларида ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини таъминлаяпмиз. Хўжаликларимиз лагерлар учун имкони борича шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Уларни сабзавот, мева билан таъминламоқда.

Хива жамоа хўжалиги қошидаги Собир Раҳимов номли кашшофлар лагерида бўлганимизда, ноҳия халқ таълими бўлими мудирининг гаплари айни ҳақиқат эканлигига амин бўлдик. Бу ерда қилинаётган ишларни, ўтказилаётган тадбирларни кўриб кўзинг қувнайди. Беихтиёр мана ишласа, уддаласа бўларкан-у, дейсиз. Қанийди барча ноҳия хўжаликларида ҳам шундай бўлса.

Муҳаммад АМИН.



СУРАТЛАРДА: Хива ноҳиясининг Ленин номли жамоа хўжалигидаги кашшофлар лагери ҳаётидан лавҳалар.

МУАЛЛИФ суратга олган.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Халққа қимматга тушмоқда

Ёзувчи ва шоир ижодининг маҳсули китоб бўлиб чиққан тақдирда ҳам халқимизга манзур бўлмаса, бундай «асар» китобхонларнинг жавонларидан ўрин олмайди. Аксинча, китоб магазинларининг пештахталарида чанг босиб ётади. Рассомнинг асари ҳам шаклан ва мазмунан талаб даражасида бўлмай, эстетик жиҳатдан кишига таъсирчан бўлмаса бундай «асар» кўргазмалардан, музейлардан ўрин ололмайди.

Дарҳақиқат, меъморларнинг ижодий ишлари хусусида фикр юритар эканмиз беихтиёр янги қурилаётган маданий-маиший ҳамда турар-жой бинолари кўз олдимизга келади. Зеро, меъморларимиз ижодий лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилишга келганда жуда эҳтиёткорлик, талабчанлик билан муносабатда бўлишни ҳаёт тақозо қилади, чунки ҳар томонлама пухта ўйланмаган, бизнинг миллий меъморчилигимиз анъаналарига бутунлай ёт, шу билан бирга иқлимимиз, муҳитимизга мос келмайдиган лойиҳалар асосида қурилаётган бинолар халқимизга жуда қимматга тушмоқда. Ҳозирги қайта қуриш ва янгиланиш жараёнида меъморларимизнинг ижодий ишларига баҳо беришда, аввало турғунлик даврига хос бўлган муросасизликларга чек қўймоғимиз зарур.

Ўша турғунлик деб аталмиш йилларда жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида айрим мансабдор шахсларнинг кўрсатмалари, хоҳиш ва истаклари билан жойига номуносиб кўплаб турли хил бинолар қад кўтарганлигининг гувоҳимиз. Улар орасида жуда кўп бойлик сарф қилинган дабдабали, басавлатлари ҳам бор. Масалан, ҳаммага маълум пойтахтимизнинг Октябрь ноҳиясидаги колхоз бозори қурилишига эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Аввало, бу бинонинг дунёга келиши учун қилинган ишларни кўз олдимиздан ўтказайлик. Шу жойда асрлар давомида одамлар истиқомат қилиб келган. 3-4 маҳалла бузиб ташланди, юзлаб оилалар қаерларгадир кўчирилди. Катта, икки қаватли янги қурилган болалар дунёси магазини, нон заводи, дорихона ва меъморчилигимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш маҳкама масжиди бузиб ташланди.

Бу дабдабали, дунё микёсида ўхшаши бўлмаган бозор қурилиши бошланганига кўп йиллар бўлди, шундан буён қурилиш ишлари қишин-ёзин тўхтовсиз олиб борилмоқда. Унга юзлаб турли касбдаги қурувчилар, замонавий техника воситалари, нақлиёт жалб қилинган. Шу борада юз минглаб кубометр тупроқ у ердан бу ерга сурилмоқда ва ташилмоқда, турли хил ер ости хоналари қурилмоқда.

Шундай бино қурилишига ҳаётий зарурат бормиди? Табиийки, охирги ҳисоб-китобда бу бино халқимизга неча миллион сўмга тушаркан, деб ўйлаб қоласан киши.

Бино ҳар томонлама пухта ўйланмаган лойиҳа асосида қурилаётганлиги эндиликда ўз-ўзидан ошкора намоён бўлмоқда. Аслида меъморчиликдан асосий талаб унинг лойиҳаси асосида қуриладиган бино ўз жойига муносиб, қулай, мустаҳкам, гўзал ва камхарж бўлмоғи керак. Мазкур қурилишда бу талабларнинг биронтасига ҳам ижобий жавоб тополмайсиз. Ана шундай беўхшов биноларнинг халқимизга қимматга тушаётганлиги ҳаммадан ҳам ачинарлидир. Эндиликда бундай ўзбошимчаликларга ҳеч қачон йўл қўйилмаслигига ишончимиз комил бўлиши керак.

Кейинги 30 йил давомида жумҳуриятимиздаги қишлоқ шаҳарларининг қиёфаси айниқса тубдан ўзгарди. Бу яратувчилик ишида меъморларнинг ўрни катта. Аммо бу ишларга қайси меъмор қандай ҳисса қўшди? Меъморларнинг ютуқ ва камчиликларидан халқимиз мутлақо бехабар қолиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири меъморчиликка доир жумҳуриятимизда ягона журнал чиқади, у ҳам бўлса рус тилида. Халқимиз ундан, табиийки, баҳраманд бўла олмайди. Санъатнинг бу соҳасида мутлақо танқидчилик йўқ дейилса хато қилинмаган бўлади. Афтидан меъморларимиз танқид қилиш соҳасида: «Мен сенга тегмайман, сен менга» қабилида иш тутишса керак. Гоҳо рўзнома ва жаридалар саҳифаларида қурилган биноларнинг суратлари берилиб, унда сурат муаллифининг бино тўғрисидаги фикри айтилган бўлади. Ҳар замонда ойнаи жаҳон орқали айрим меъморлар чиқиб, ўз ишларини макетда намойиш қилиб, халққа тушунтирган бўладилар, аммо бундай суҳбатлар кўп ҳолларда рус тилида олиб борилади. Менимча, халқимизни меъморчиликдан доимо ҳамма воситалар орқали хабардор қилиб турмоғимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жумҳуриятимиз меъморчилик асарларининг хазинаси эканлиги бутун дунёга маълум. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги гўзаллик дурдоналарини кўздан кечирган минглаб сайёҳлар буларни яратган ота-боболаримиз истеъдодига тасаннолар айтмоқдалар. Айни пайтда асрлар оша бизга етиб келган бу бебаҳо ёдгорликларни кўз қорачиғидай авайлаб-асрамоғимиз лозим, бу бизнинг бурчимиздир. Шу билан бир вақтда бу ёдгорликларга хос бўлган гўзаллик сирларини ва бошқа фазилатларини чуқур ўрганган ҳолда замонавий меъморчилигимиз равнақи учун улардан оқилона, эҳтиёткорлик билан фойдалана билишимиз керак эди. Афсуски, маълум сабабларга кўра бу вазифани биз, меъморлар уддалай олмадик, десам хато қилмаган бўламиз. Бунга кейинги вақтда қурилган кўп бинолар далил бўла олади.

Жумҳуриятимизда жуда кўп лойиҳалаш ташкилотлари мавжуд. Уларда турли хил лойиҳалар яратилиб, шулар асосида ҳамма жойда қурилиш ишлари тўхтовсиз олиб борилмоқда. Аммо лойиҳалашнинг ҳозирги аҳволи шу куннинг талабига жавоб бермайди, десак, хато қилмаган бўламиз. Бунинг учун кўп далиллар келтириш мумкин. Биз қурилишнинг аҳволини ҳар томонлама кескин тузатмоқчи бўлсак энг аввало лойиҳалаш ишларимизни қайтадан қурмоғимиз зарур. Турғунлик йилларида кўп ташкилотлар сингари лойиҳалаш ташкилотларида ҳам раҳбарлик лавозимларига жойлашиб олган тасодифий кишилар ўз атрофларига тегишли кишиларни тўплаб олиб бир неча ўн йиллар давомида меъморчиликда ўз сиёсатларини ўтказиб келмоқда. Кўп ҳолларда лойиҳалаш ташкилотларининг директорлари меъмор эмаслар. Бу ҳам лойиҳалаш ишларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Мен чорак аср давомида Тошкент политехника институтининг меъморчилик факультетининг лойиҳалаш соҳасида ўқитувчилик қилдим. Шу давр ичида юзлаб бўлғуси меъморлар билан бевосита шуғулланишга тўғри келди. Улар орасида ўнлаб ноёб истеъдод эгаларини учратган эдим. Улар ҳам ҳамма қатори институтни тамомлагач, турли ташкилотларга ишга йўлланма олган эдилар. Мен уларнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўринларини топиб, шаҳарлар қурилиши учун замонавий турли хил бинолар яратиб халқимизнинг ҳурмат ва эҳтиромларига сазовор бўладилар, деб умид қилган эдим. Афсуски, ҳаётда менинг орзу-умидларим рўёбга чиқмади. Шуниси аламлики, бунда ҳам таниш-билишчилик, ўз кишисини қўллаб-қувватлаш катта роль ўйнаган бўлмоғи керак. Оқибатда шаҳарларимиз тақдирини қаёқдаги тасодифий кишилар ҳал қилишларининг шу билан боғлиқ бўлмоғи ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Ҳозирги кунда жумҳуриятимизда меъморлар сон жиҳатидан етарли, аммо улар орасида ҳаётда ўз ўрнини маълум сабабларга кўра тополмаган ноёб истеъдод эгалари борлигига ишончим комил. Ҳозирги қайта қуриш даврида меъморчиликда кескин ўзгаришлар қилмоғимиз зарур. Унда биз истеъдодларнинг ҳар бирига муносиб иш топшириб, улардан оқилона фойдаланмоғимиз керак. Айни пайтда меъморчилигимиз равнақи учун бу соҳадаги танқидчиликни йўлга қўйиш ҳам сув билан ҳаводек зарурдир.

Маҳмуд ЗОҲИДОВ,
СССР меъморлар уюшмасининг аъзоси, меҳнат ветерани.

Маданият янгиликлари

● ЁШ ижрочиларнинг «Камалак» деб номланган конкурси миллий рақс ҳамда қўшиқ санъатини янада кенг тарғиб қилишга бағишланган эди. У Қўшкўпир ноҳиясида ўтказилди. Беллашувлар программасига Хоразм классик рақслари ва қўшиқлари киритилганди.

Хоразм рақс мактаби Фарғона ва Бухоро мактаби билан бирга Ўзбекистонда мавжуд бўлган уч мактабнинг биридир. Хоразм рақси ўзининг ҳарорати, ҳаётийлиги билан шуҳрат қозонган. Унга айниқса, «Лазги» рақси катта шуҳрат келтирди. Жумҳуриятимизда г и машҳур бадиий жамоалардан бирига «Лазги» номи берилган. Шу сабабдан мазкур рақс конкурс программасининг асосий таркибий қисми бўлганлиги бежиз эмас.

Энг яхши ижрочилар орасида икки йигит бор — булар маданият уйининг ходими Қадам Аҳмедов билан мактаб ўқувчиси Ҳамид Матмуродов ва битта гўзаллар вакиласи — «Юлдуз» дастасининг солисти Умида Машариповалардир.

● АМЕРИКАЛИК сайёҳлар Ўзбекистон бўйлаб сафарга чиққанларида энди фақат таржимонгагина боғланиб қолмайдиган бўлдилар: «Инглизча—ўзбекча сўзлашув» қўлланмаси уларга туб миллат вакиллари билан мулоқот қилишга ёрдам беради. Қўлланма Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳрида чиқарилди. Уни яқинда Тошкент дорилфунунининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида амалий иш тажрибаси орттирган В. Диркс билан М. Мекин тайёрладилар. Тўплам саёҳатчилар йўлга чиққанда тез-тез учраб турадиган маваулярга — диққатга сазовор жойлар, дўкон, чойхона, бозор сингариларга бўлинган. Китобча чиройли безатилган.

(ЎзТАГ).

Тоҳиржонни ҳар гал кўрганимда халқимизга ўз маданиятидан ифтихор туйғусини туйиб юриши учун ана шундай йигит-қизлар кўпроқ кераклиги ҳақида ўйлайман. Ҳа, ўзига хос характери, иқтидори мавжуд фидойи кишиларгина одатда миллатнинг қиёфасига энг қамида бир чизги бўлишга қодирлар.

Тоҳиржон аслида сиз билан бизга ўхшаган ташвиши, муаммолари ўзига етиб-ортадиган инсон. Ўрта мактабни тугатганда бир касбнинг бошини қатъий тутиб, «менинг ризқим шундан», деб туриб олгани йўқ эди. Дастлаб дўконда сотувчи бўлди. Ҳарбий хизматдан кейин эса Тошкентда тепловоз машинистлари тайёрлайдиган мактабда толиблик қилди. Шу мутахассислик бўйича бироз ишлади ҳам. Охир-оқибатда севган машғулоти уни ўз комига тортди. Санъат шундай бир соҳаки, унга даҳлдор кимса ҳеч қачон юз буриб кетолмайди. Йўқотишлар, қийинчиликлар кўпроқ бўлса-да, санъат ҳақиқий санъаткорни барибир маҳлиё этиб, ўз бағрига олади.

Суратлар, дўстлик ҳазиллари чизишга мойиллик Тоҳиржонда Риштон ноҳиясидаги ўрта мактабда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ сезилганди. Айрим пайтлари расм муаллими қора тахтада у ёки бу нарса суратини иқтидорлироқ бўлгани учун Тоҳиржонга чиздирар эди. Бироқ, мактабни тугатган кезлари ҳам у расм чизишни ўз касби деб қатъий хулосага келган эмасди. Шу сабабли санъат билим даргоҳларида таҳсил олишга уриниб ҳам кўрмади.

Йиллар, умр остонасидан кираётган йиллар кейинги вақтларда бот-бот ўзлигингни англаш сари етаклайдиган «Сен бу дунёга нега келдинг, унга нималар бердинг?» деган саволлар бера бошлади.



ЛАГАНДАГИ КУЛГУ



Ана шу саволларга жавоб изларкан, Тоҳиржон ўзининг санъат кишиси эканлигини англади.

Бизнинг жамиятда бошловчи шоир, мусаввир, ёзувчи бўлишдан ёмони йўқ. Мен иқтисодий аҳволни назарда тутаяпман. Айниқса, оила эгаси бўлсанг. Рўзғорни бутлаш ташвишлари кишининг бор вақтини ямлаб қўяди. Ана шу ташвишлардан омон қолган вақтинг — бахтинг. Зеро, шу лаҳзалардагина сен инсонлигингни ҳис этасан. Бир дарахт каби ўз хоҳишинг, эркинг шамоллари эсдирган тарафга қараб ўса бошлайсан. Сатирик ва ҳажвий суратлар чизиш осон иш эмас. Бунда рассом учун жуда нозик сезгирлик, дид лозим бўлади.

Табиатдаги, жамиятдаги, инсонлардаги асосий хусусиятни ўзига хос йўсинда ифодалаш учун бошқача йўл йўқ. Унинг «Муштум» жаридасида эълон қилинган қатор сиёсий сатирик асарлари масалага одатдаги жўн қарашдан йироқлиги, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига теранлик билан етиб борилганлиги туфайли кишига манзур бўлади. Унда ҳақиқат, биз неча ўн йилликлар давомида пардалар орқасидан жамолини кўришга интиқ бўлиб юрган ҳақиқат акс этиб туради.

Санъаткорга ўзига хослик йўлдош эмас экан, у эътибор топа олмаслигини Тоҳиржон чуқур тушунарди. Лаганларда шаржлар, ўртоқлик ҳазиллари акс эттириш фикри ана шу ўзига хосликни таъминлаш йўлидаги изланишлари самарасидир. Дарҳақиқат ҳеч бир рассом ёки амалий санъат намоёндаси лаганларда ва бошқа чинни, сопол идишларда ҳазиллар тасвир этишни амалга ошириб кўрмаган.


Тоҳиржоннинг ниятини маҳаллий кулоллар, кошинкорлар амалга оширишда кўмак бердилар.

Айримлардек Тоҳиржон четдан ёрдам кутиб ўтирмади. Ўз ижодий ишларини «Муштум» журналига юборишдан эринмади. Жарида ташкил этган конкурсда ғолиб ҳам бўлди. Ҳажвий жарида рассомлари Тоҳирга йўл-йўриқлар беришди. Ўзи туғилиб ўсган ноҳиядаги илк кўргазмасини ташкил этганида ҳам «Муштум»чилар иқтидор соҳибини қўллаб-қувватладилар.


Айни пайтда Тоҳиржон Ҳайдаров Риштон ноҳия маданият бўлимида хизмат қилади. Қилинган барча ишлар ўзининг шахсий ташаббуси, маблағи, дўстларининг кўмаги эвазига амалга оширилди. Биз бу талант соҳибига Ўзбекистон Мусаввирлар уюшмасидан, Ўзбекистон Маданият вазирлигидан керакли ёрдамлар аямаслигини истар эдик. Зеро, жумҳуриятимиз маданиятини кўтариш масаласида худди шу Тоҳир каби ёшларга умид боғлаш керак. Яқинда Тоҳиржонни яна Тошкентда учратиб қолдим. «Муштум» жаридаси муҳарририяти «Қизиқчи—90» конкурси соврини сифатида Тоҳиржон ясаган, қизиқчиларнинг сурати акс этган лаганларни ғолибларга муносиб кўрдилар.

Назаримда бу ёш санъаткорнинг яратажак энг яхши асарлари ҳали олдинда. Фақат унинг изланишлари лоқайд кимсалар бепарволиги оқибатида тўхтаб қолишидан қўрқади киши. Табиатдан бу ёш мусаввир кўнглига, ақлига янги-янги фикрлар, режалар, илҳомларни дариғ тутмаслигини тилаб қоламан.

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Қуйида биз Тоҳиржон Ҳайдаров лаганга чизган ўртоқлик ҳазилларидан ва унинг юмористик расмларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.



ТВ

19 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Янгиланиш даври», «Қора денгиз ороллари». Телефильмлар. 12.10 «Дарахт ва унинг новдалари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.40 Такрорий фильмлар экрани. «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Турналар». Телефильм. 18.10 «Вилмасвой рулда». Мультфильм. 18.25 «Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари». Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси «Меҳнат» касаначилик фабрикасининг иш тажрибасидан. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Иқтисодимиз муаммолари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...» 21.10 «Камолат сари». Мунoжот Тешабоева ва Маъмуржон Тўхтасинов. 21.50 «Сув ости дунёсининг оҳанглари». Телефильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Меҳр». Бадиий фильм. (Свердловск киностудияси). 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Спорт программаси: 1. «Диққат, стартга!». 2. Нуқтаи назар... Оғир атлетика (рус тилида). 19.05 «Дала ҳовли». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Бозморо». Ўрта Осиё халқлари рақслари. 21.40 «Ҳокимият — Советларга». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Чеккада, қаердадир шаҳарда...» Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Горец» рақсга тушади». Владикавказдан кўрсатилади. 8.35 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 10.35 «Қазо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати

* * *

15.15 «Вавака». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Туркманистоннинг куйловчи қушлари ҳақида (Ашхобод). 15.25 Болалар учун фильм. «Питер Пэн». 1-серия («Беларусьфильм»). 16.35 «Бор бўл, мусиқа!». 17.15 «Чорраҳада». Москва вилояти «Правда» шўро хўжалигида ижара пудратининг дастлабки одимлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 Сергей Березин қўшиқлари. 19.25 «Андроников сўзи. «Нева проспекти». Телевизион фильм. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Дўстлик меридианлари». Поляк қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивалининг очилиши. Витебскдан кўрсатилади. 22.30 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради... «Қариндошлар». 23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

18.55 «Барги сабз (Камтарин совға)». Душанбедан кўрсатилади. 19.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сичқончанинг қўшиғи». Мультфильм. 19.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Чистая Чусовая» экспедицияси» (Свердловск). 20.10 «Иштиёқмандлар». Халқ ижодиёти музейи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 21.05 «Кечки ҳосил». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 22.30 Оммабоп куйлар ёш ижрочиларининг концерти. Витебскдан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 06202. Д. — 23503.